

АБУ БАКР АЛ-ОЖУРРИЙ



# АХЛОҚ АЛ-УЛАМО

(ОЛИМЛАРНИНГ ОДОБ-АХЛОҚИ)





АБУ БАКР АЛ-ОЖУРРИЙ

# АХЛОҚ АЛ-УЛАМО

*(Олимларнинг одоб-ахлоқи)*

«Имом Бухорий халқаро маркази» нашриёти  
Самарқанд – 2020

УЎК 28-335

КБК 86.38

П-96

Абу Бакр ал-Ожуррий. Ахлоқ ал-уламо (Олимларнинг одоб-ахлоқи) / Таржимонлар: Ҳ. Аминов, Ҷ. Палванов. – Самарқанд: «Имом Бухорий халқаро маркази» нашриёти, 2020.

**Масъул муҳаррир:**

**З.Исломов,**

филология фанлари доктори, профессор

**Тақризчилар:**

**Д.Махсудов,** тарих фанлари номзоди, доцент

**М.Исмоилов,** тарих фанлари номзоди, доцент

*Мазкур муъжаз рисола бундан минг йиллар илгари ёзилган бўлиб, унда илмнинг фазилати, олимларнинг қадр-қиймати, илм аҳлининг одоблари, уламоларнинг ахлоқи ва фатво беришга лойиқ кишининг даражаси тўғрисида маълумот берилган. Рисолада оят-ҳадислардан намуналар, мутафаккир ва донишмандларнинг юздан ортиқ маърифатли гапларидан иқтибослар келтирилган. Ундаги маълумотлар илм олувчи ёшларнинг баркамол авлод бўлиб етишишида муҳим аҳамият касб этади.*

*Рисола кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.*

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари қўмитасининг 3360-рақамли тавсияси ила чоп этилди.*

ISBN 978-9943-5682-4-2

© Ҳ. Аминов, Ҷ. Палванов

© Имом Бухорий халқаро маркази – 2020

## СЎЗБОШИ

Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ал-Ожуррий (280-360 ҳ./893-971 м.) раҳимахуллоҳ Бағдоднинг Ожурра қишлоғида туғилиб-ўсган, умрининг ярмидан кўпроқ қисмини Маккаи мукарамада ўтказган муҳаддис олимлардан биридир. Унинг нисбаси ушбу қишлоққа нисбатан айтилади. Айрим олимлар ғишт қуювчини ҳам “Ожуррий” дейилгани сабабли уни ғишт қуювчи касби билан ҳам тирикчилик қилган, дейдилар. Абу Бакр ал-Ожуррий юздан ортиқ олимларга шогирд бўлиб, ўз навбатида юзлаб олимларга ҳам устозлик қилган алломалардан ҳисобланади. Жумладан, таниқли муаррих Шамсиддин аз-Заҳабий ўзининг бир нечта китобларида уни ишончли муҳаддис, фақиҳ олим, суннатга эргашувчи улуғ зот, деб таърифлаганлар.

Абу Бакр ал-Ожуррий ўндан ортиқ асарлар ёзган бўлиб, уларнинг аксарияти одоб-ахлоқ мавзусига оид ҳисобланади. Унинг шоҳ асари “Китоб аш-Шариат” деб аталади. У 3 ва 6 жилд қилиб, бир неча марта нашр қилинган. Қирқ ҳадисдан иборат “ал-Арбаъин” асари ҳам чоп қилинган. Унинг олимлар ахлоқига оид алоҳида асаридан ташқари Қуръон қориларига бағишланган рисоласи ҳам мавжуд. “Илм излаш фарз!” деб номланган асари бўлгани манбаларда зикр қилинади.

Абу Бакр ал-Ожуррийнинг мўжазгина “Ахлоқ ал-уламо” (“Олимларнинг одоб-ахлоқи”) асари ўрта асрлардаёқ анча машҳур бўлган. Ушбу ноёб асардан алломанинг муҳаддис шогирдларидан бири бўл-

миш Абу Нуайм ал-Исфаҳоний ҳам ўзининг “Ҳият ал-авлиё” асарида фойдаланган эди. Хатиб Бағдодий эса “ал-Фақиҳ ва-л-мутафаққиҳ” асарида ундан унумли фойдаланган. Ибн Абдулбарр ҳам “Жомеъ баён ал-илм ва фазлиҳи” номли асарида “Ахлоқ ал-уламо”да келтирилган ривоятларни зикр қилган.

“Ахлоқ ал-уламо”да X асрдаёқ уламоларнинг, олимлар ва аҳли илмларнинг эгаллаши керак бўлган одоб-ахлоқ, гўзал хислатлар бирма-бир кўрсатиб берилган. Уларда узоқ бўлиши лозим бўлган ёмон хулқлар, разил хислатлар баён этилган. Мазкур рисолада илмнинг фазилати, олимларнинг қадр-қиймати, илм аҳлининг одоблари, уламоларнинг ахлоқи тўғрисида маълумот берилади. Асарда оят-ҳадислардан намуналар, мутафаккир ва донишмандларнинг маърифатли гапларидан 110 дан ортиқ иқтибослар келтирилган. Рисола кичик ҳажмли бўлишига қарамасдан илм олувчи ёшларнинг баркамол авлод бўлиб етишишида муҳим аҳамият касб этади. Зотан, у ўрта асрларда ҳам керакли манба бўлганидек, ҳозирги кунларда ҳам дунёнинг айрим олий ўқув юртларида талабаларнинг ўқув қўлланмаларидан бири сифатида фойдаланиб келинади.

“Ахлоқ ал-уламо”даги фикрларга амал қилиш, унда кўрсатилган гўзал хислатларга эга бўлиш, разил сифатлардан узоқ бўлиш ҳар бир олим, ҳар бир илм одамига зарур ҳисобланади.

*Таржимонлар*

## АХЛОҚ АЛ-УЛАМО

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

### Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман)

Яхши ишларни тўла-тўқис қилиб неъматлантирган Зот – Аллоҳга ҳамду сано бўлсин. Умматнинг набийси, саййидимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳамда унинг оила аъзоларига Аллоҳнинг марҳамати ва саломи бўлсин. Аллоҳдан мадад беришини сўрайман, менга Аллоҳнинг ўзи кифоя ва У вакилликка ўта лойиқдир!

Амма баъд: Аллоҳ азза ва жалла, унинг исмлари муқаддас билиб ҳурматланган, хослаб яратган махлуқидан кимни яхши кўрса, ўшаларни иймонга ҳидоят қилган. Кейин мўминлардан кимни ажратиб яхши кўрса, ўшаларга мурувват қилиб, Китоб ва Ҳикматни таълим берди ва бу динда фақиҳ қилди. Шунингдек, таъвилни таълим берди ва ўшаларни мусулмонлар орасида устун қилиб қўйди. Ҳар бир замон ва вақтда олимларни илм билан мартабаларини кўтарди, донолик билан гўзал қилди. Олимлар орқали ҳалолни ҳаромдан, ҳақни ноҳақдан, зарарни фойдадан, яхшилиқни ёмонлиқдан билдиради.

Олимларнинг фазилати ва обрўси катта бўлиб, набийларнинг ворислари ва валийларнинг кўз қо-

расидирлар. Денгиздаги катта балиқлар уларга истиғфор айтади, фаришталар қанотлари билан уларга итоат этади. Олимлар қиёматда набийлардан кейин шафоат қилинадилар. Уларнинг мажлислари ҳикмат беради, амаллари билан ғафлат аҳли тўхта-тилади. Олимлар ибодат қилувчиларнинг афзали, зоҳидлардан даражада устундирлар. Олимларнинг ҳаёти ғанимат, вафоти мусийбатдир. Улар ғофилга насиҳат қиладилар ва жоҳилга ўргатадилар.

Олимлар учун бахтсизликдан хавф бўлмайди, улардан ҳеч бири ёмонликдан хавфсирамайди, уларнинг яхши тарбияси борасида издошлар баҳслашадилар. Олимларнинг чиройли маърузаси билан адашганлар қайтадилар, барча одамлар уларнинг илмига муҳтождир. Ким олимларнинг сўзига эргашувчи бўлса, у баҳсни асл яхши кўрувчидир. Тоат улар учун барча дунё нарсаларидан вожибдир. Гуноҳ улар учун ҳаромдир.

Ким ўшаларга итоат этса, тўғри йўлдан боради ва ким уларга бўйсунмаса, билиб туриб ҳақиқатга қарши чиқади. Мусулмонлар имоми олдига бирор масала келса, имом масалани билмагунча, у иш шубҳали бўлади. Уламолар сўзи билан амал қилинади. Ўшаларнинг фикридан келиб чиқилади. Мусулмонларнинг амирлари бирор ҳукм қилса, уларнинг илми бўлмагани боис олимлар сўзига амал қиладилар, уларнинг фикри билан иш кўрадилар. Мусулмонлар қозилари учун ҳукм чиқаришда мушкулот бўлса ҳам олимлар сўзи билан ҳукм қиладилар ва уларнинг сўзига таянадилар.



Улар бандалар кўеши, шаҳарлар минораси, ум-  
 мат раҳбари ва ҳикмат булоқларидир. Улар шайтон-  
 га нафратлидир. Улар билан ҳақ аҳлининг қалбла-  
 ри тирилтирилади ва йўлдан четлашганларнинг  
 қалблари ўлдирилади. Улар мисли самодаги каби  
 ерда юлдузлар. Юлдузлар билан қуруқлик ва ден-  
 гиз зулматларида йўл топилади. Қачон юлдузлар  
 ноаниқ бўлса, улар ўзини йўқотиб қўядилар ва қач-  
 он қаронғулик кетса, улар кўрадилар. Агар кимдир  
 юқорида айтганларингга “нима далил бор” деса,  
 унга жавоб берилади: Қуръони карим ва ҳадиси ша-  
 рифда далиллар мавжуд.

Агар кимдир мўмин уни эшитганда илм излашга  
 шошилиб қоладиган ва Аллоҳ ҳамда Унинг расули  
 соллаллоҳу алайҳи ва саллам тарғиб қилган нарсага  
 рағбат қиладиган далилни келтир, деса, унга Қуръ-  
 они каримдан далил айтилади. Аллоҳ азза ва жалла  
 бундай марҳамат қилган:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا قِيلَ لَكُمْ تَفَسَّحُوا فِي الْمَجَالِسِ  
 فَافْسَحُوا يَفْسَحِ اللَّهُ لَكُمْ وَإِذَا قِيلَ انشُرُوا فَانشُرُوا يَرْفَعِ  
 اللَّهُ الَّذِينَ آمَنُوا مِنْكُمْ وَالَّذِينَ أُوتُوا الْعِلْمَ دَرَجَاتٍ وَاللَّهُ بِمَا  
 تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ

“Эй, мўминлар! Қачонки, сизларга йиғили-  
 шларда: “(даврани) кенгайтирингиз!” – дейилса,  
 бас, кенгайтирингиз, Аллоҳ сизларга ҳам (керак  
 пайтида кенг) жой берур. Яна қачонки, “турин-

гиз!” – дейилса, дарҳол турингиз! Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража (мартаба)ларга кўтарур. Аллоҳ қилаётган (барча яхши ва ёмон) амалларингиздан хабардордир” (Мужодала сураси, 11-оят).

Аллоҳ азза ва жалла мўминларга уларнинг даражаларини кўтаришга ваъда қилган. Сўнг, Аллоҳ таоло мўминлардан бўлган уламоларни даражалари фазилати жиҳатидан мумтоз айлаган. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилган:

إِنَّمَا يَخْشَى اللَّهَ مِنْ عِبَادِهِ الْعُلَمَاءُ إِنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ غَفُورٌ

“Бандалари орасида Аллоҳдан уламоларгина кўрқарлар. Ҳақиқатан, Аллоҳ қудратли ва мағфиратлидир” (Фотир сураси, 28-оят).

Билгинки, яралмишлардан фақатгина уламоларгина Аллоҳ таолодан кўрқарлар. Жумладан, Аллоҳ таоло Куръони каримда қуйидагича марҳамат қилган:

يُؤْتِي الْحِكْمَةَ مَنْ يَشَاءُ وَمَنْ يُؤْتَ الْحِكْمَةَ فَقَدْ أُوتِيَ خَيْرًا كَثِيرًا وَمَا يَذَّكَّرُ إِلَّا أُولُو الْأَلْبَابِ

“У Ўзи хоҳлаган кишиларга ҳикмат (пайгамбарлик ёки Куръон илмини) беради. Кимга (мазкур) ҳикмат берилган бўлса, демак, унга кўп яхшилик берилибди. Бундан фақат оқил кишиларгина эслатма олурлар” (Бақара сураси, 269-оят).

## وَلَقَدْ آتَيْنَا لُقْمَانَ الْحِكْمَةَ

“Биз Луқмонга ҳикмат ато этдик” (Луқмон су-  
раси, 12-оят).

مَا كَانَ لِيَشِيرَ أَنْ يُؤْتِيَهُ اللَّهُ الْكِتَابَ وَالْحُكْمَ وَالنَّبُوءَةَ ثُمَّ يَقُولَ  
لِلنَّاسِ كُونُوا عِبَادًا لِي مِنْ دُونِ اللَّهِ وَلَكِنْ كُونُوا رَبَّانِيِّنَ بِمَا  
كُنْتُمْ تُعَلِّمُونَ الْكِتَابَ وَبِمَا كُنْتُمْ تَدْرُسُونَ

“Ҳеч бир башар зотига (пайғамбарга) Ал-  
лоҳ Китоб, Ҳикмат ва пайғамбарлик бергани-  
дан кейин у одамларга: “Аллоҳни қўйиб, менга  
банда бўлингиз!” – дейиши мумкин эмас, балки  
уларга “Китобдан таълим бериб ва ўзингиз ҳам  
ўрганиб юрганингиз сабабли раббоний кишилар  
(Парвардигорга сиғинувчилар)дан бўлингиз!”  
(дейиши жоиздир)” (Оли Имрон сураси, 79-оят).

لَوْلَا يَنْهَاهُمُ الرَّبَّانِيُّونَ وَالْأَحْبَابُ عَنْ قَوْلِهِمُ الْإِثْمَ وَأَكْلِهِمْ  
السُّحْتَ لَبِئْسَ مَا كَانُوا يَصْنَعُونَ

“Руҳоний ва олимлари уларни гуноҳ гаплари  
ва ҳаромхўрликларидан қайтарсалар бўлмай-  
дими? Қилаётган сир-синоатлари жуда ёмон-  
дир” (Моида сураси, 63-оят).

Ушбу оятдаги “Раббонийлар ва аҳборлар” сўзлари  
“Фақиҳлар ва уламолар” деган маънони англатади,  
ҳам дейилган.

وَجَعَلْنَا مِنْهُمْ أُمَّةً يَهْدُونَ بِأَمْرِنَا لَمَّا صَبَرُوا وَكَانُوا بِآيَاتِنَا  
يُوقِنُونَ

“Улар (ўз динлари йўлидаги бало-кулфатларга) сабр-тоқат қилишгач, Биз улардан (одамларни) ҳидоят қиладиган пешволарни чиқардик. Улар Бизнинг оятларимизга аниқ ишонар эдилар” (Сажда сураси, 24-оят).

وَعِبَادُ الرَّحْمَنِ الَّذِينَ يَمْشُونَ عَلَى الْأَرْضِ هَوْنًا وَإِذَا خَاطَبَهُمُ  
الْجَاهِلُونَ قَالُوا سَلَامًا {36} وَالَّذِينَ يَبِيتُونَ لِرَبِّهِمْ سُجَّدًا  
وَقِيَامًا {46} وَالَّذِينَ يَقُولُوا رَبَّنَا اصْرِفْ عَنَّا عَذَابَ جَهَنَّمَ  
إِنَّ عَذَابَهَا كَانَ غَرَامًا {56} إِنَّهَا سَاءَتْ مُسْتَقَرًّا وَمُقَامًا  
{66} وَالَّذِينَ إِذَا أَنْفَقُوا لَمْ يُسْرِفُوا وَلَمْ يَقْتُرُوا وَكَانَ بَيْنَ ذَلِكَ  
قَوَامًا {76} وَالَّذِينَ لَا يَدْعُونَ مَعَ اللَّهِ إِلَهًا آخَرَ وَلَا يَقْتُلُونَ  
النَفْسَ الَّتِي حَرَّمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِّ وَلَا يَزْنُونَ وَمَنْ يَفْعَلْ ذَلِكَ  
يَلْقَأْهَا مَأْمُومًا {86} يُضَاعَفُ لَهُ الْعَذَابُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَيَخْلُدُ  
فِيهَا مُهَانًا {96} إِلَّا مَنْ تَابَ وَآمَنَ وَعَمِلَ عَمَلًا صَالِحًا فَأُولَئِكَ  
يَبَدِّلُ اللَّهُ سَيِّئَاتِهِمْ حَسَنَاتٍ وَكَانَ اللَّهُ غَفُورًا رَحِيمًا {07}

وَمَنْ تَابَ وَعَمِلَ صَالِحًا فَإِنَّهُ يَتُوبُ إِلَى اللَّهِ مَتَابًا {17}

وَالَّذِينَ لَا يَشْهَدُونَ الزُّورَ وَإِذَا مَرُّوا بِاللَّغْوِ مَرُّوا كِرَامًا {27}

وَالَّذِينَ إِذَا ذُكِّرُوا بِآيَاتِ رَبِّهِمْ لَمْ يَخْرُجُوا عَلَيْهَا صُمًّا وَعُمْيَانًا

{37} وَالَّذِينَ يَقُولُونَ رَبَّنَا هَبْ لَنَا مِنْ أَزْوَاجِنَا وَذُرِّيَّاتِنَا قُرَّةَ

أَعْيُنٍ وَاجْعَلْنَا لِلْمُتَّقِينَ إِمَامًا {47}

“Раҳмоннинг (суюкли) бандалари ерда камтарона юрадиган, жоҳил кимсалар (бемаъни) сўз қотганда “Саломатлик бўлсин!” деб жавоб қиладиган кишилардир. Улар яна тунларни Парвардигорга сажда қилган ва тик турган (ибодат билан бедор) ҳолда ўтказадиган кишилардир. Улар: “Парвардигоро, Ўзинг бизлардан жаҳаннам азобини даф этгин. Дарҳақиқат, унинг азоби ҳалокатлидир. Дарҳақиқат, у энг ёмон қароргоҳ ва энг ёмон мақомдир”, – дейдиган кишилардир. Улар эҳсон қилганларида исроф ҳам, хасислик ҳам қилмаслар, (тутган йўллари) бунинг ўртасида – муътадилдир. Улар Аллоҳга қўшиб, бошқа “илоҳ”га илтижо қилмаслар ва Аллоҳ ўлдиришни ман этган жонни ноҳақ ўлдирмаслар ҳамда зино қилмаслар. Ким мана шу (гуноҳлар) ни (имонсиз ҳолда) қилса, гуноҳга (укубатга) учрар, қиёмат кунида унга азоб бир неча баробар зиёда қилинур ва у жойда хорланган ҳолида мангу қолур. Илло, кимки (шу дунёда) тав-

ба қилса ва имон келтириб, яхши амал қилса, бас, Аллоҳ ана ўшаларнинг ёмонлик (гуноҳ)ларини яхшилик (савоб)ларга айлантириб қўяр. Аллоҳ мағфиратли ва раҳмли зотдир. Кимки тавба қилиб, эзгу (ишларни) қилса, бас, албатта, у Аллоҳ (ризоси ва мағфирати)га қайтган бўлур. Улар (Раҳмоннинг суюкли бандалари) ёлғон гувоҳлик бермаслар ва беҳуда (сўз ё иш) олдидан ўтган вақтларида олижаноблик билан (ундан юз ўтирган ҳолда) ўтарлар. Уларга Парвардигорларининг оятлари эслатилган вақтида уларга (эҳтиром юзасидан) қар ва кўр ҳолларида йиқилмайдилар (балки уларни англаб-билиб амал қилурлар). Улар: “Парвардигоро, хотинларимиздан ва зурриётларимиздан бизларга кўз қувончини бахш эт ва бизларни тақводорларга пешво қилгин! – дейдиган кишилардир” (Фурқон сураси, 63-74-оят).

Бу таъриф ва унинг Қуръондаги мисоли уламо-лар фазилатига далил бўлади. Аллоҳ азза ва жалла одамлар учун уламо-ларни йўлбошловчи қилиб қўйди, одамлар уларга эргашадилар.

1. Мужоҳиддан ривоят қилинади: “Хоҳлаган кимсага ҳикмат беради” (Бақара сураси, 269-оят) деган оятда зикр қилинган “ҳикмат” бу – илм ва фикҳдир”.

2. Мужоҳиддан ривоят қилинади: “Унга ҳукм ва илм бердик”, деган оятдаги “ҳукм ва илм” бу – фикҳ, ақл ва илмдир”.


3-4. Мужоҳиддан ривоят қилинади: “Луқмонга ҳикмат ато қилдик” оятидаги “ҳикмат” бу – ақл,

фиқҳ ва нубуватдан ташқари сўзнинг тўғри бўлиши-дир”.

5. Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинади: “Аллоҳга итоат этинг. Расулга ва ўзингиздан бўлган ишбошиларга итоат этинг” (Нисо сураси, 59-оят) оятидаги “иш” бу – фиқҳ ва яхши ишдир”.

6. Мужоҳиддан ривоят қилинади: “ўзингиздан бўлган ишбошиларга итоат этинг” (Нисо сураси, 59-оят) оятидаги “ишбоши” бу – фақиҳлар ва олимлардир”.

Иброҳим ан-Нахаъийдан ҳам юқоридаги ривоят нақл қилинган.





## УЛАМОЛАРНИНГ ДУНЁ ВА ОХИРАТДАГИ ФАЗИЛАТИ БОРАСИДА ҲАДИС ВА РИВОЯТ- ЛАРДА КЕЛТИРИЛГАН ДАЛИЛЛАР

عَنْ أَبِي الدَّرْدَاءِ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «فَضْلُ الْعَالِمِ عَلَى الْعَابِدِ كَفَضْلِ الْقَمَرِ لَيْلَةَ الْبَدْرِ عَلَى سَائِرِ الْكَوَاكِبِ وَإِنَّ الْعُلَمَاءَ هُمْ وَرَثَةُ الْأَنْبِيَاءِ إِنَّ الْأَنْبِيَاءَ لَمْ يُورَثُوا دِينَارًا وَلَا دِرْهَمًا وَلَكِنَّهُمْ وَرَثُوا الْعِلْمَ فَمَنْ أَخَذَهُ فَقَدْ أَخَذَ بِحِظِّ وَافِرٍ».

7-8. Абу Дардодан ривоят қилинади.Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам дедилар: “Олимнинг обиддан афзаллиги худди тунда тўлин ойнинг юлдуздан устунлиги кабидир. Албатта, олимлар набийларнинг ворисларидир. Пайғамбарлар дирҳам ва динорни мерос қолдирмадилар. Балки, улар илмни мерос қолдирдилар. Кимки у илмни олса, тўлик бахтни олибди”.

وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، عَنِ النَّبِيِّ - صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - قَالَ: « مَا عُبِدَ اللهُ بِشَيْءٍ أَفْضَلَ مِنْ فِقْهِ فِي دِينٍ، وَلَفَقِيهِ وَاحِدٌ أَشَدُّ عَلَى الشَّيْطَانِ مِنْ أَلْفِ عَابِدٍ، وَلِكُلِّ شَيْءٍ عِمَادٌ، وَعِمَادُ هَذَا الدِّينِ الْفِقْهُ ».



9. Абу Хурайрадан ривоят қилинади. Расулulloх соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: “Динда фикҳдан афзалроқ нарса билан Аллоҳга ибодат қилинмайди. Бир фақиҳ шайтон учун минг обиддан ашаддийроқдир. Ҳар бир нарсанинг таянчи бор. Диннинг таянчи эса, фикҳдир!”.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «فَقِيهٌ وَاحِدٌ أَشَدُّ عَلَى الشَّيْطَانِ مِنْ أَلْفِ عَابِدٍ».

10. Ибн Аббосдан ривоят қилинади. Расулulloх соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: “Битта фақиҳ иблис учун минг обиддан қаттикроқдир!”.

11. Абу Дардодан ривоят қилинади: “Биз Товус, Саъид ибн Жубайр, Икрима Ибн Аббоснинг шо-гирдлари масжидда дарс халқасида эдик. Ибн Аббос намоз ўқиётган эди. Ўша пайтда бир киши бизнинг олдимизга келиб: “Ким фатво берувчи?”, – деди.

Биз “Сўра!” дедик.

У айтди: “Мен пешоб қилганимда маний ҳам оқади”.

Биз: “Бола бўладиганми?”, дедик.

У “ҳа” деди.

Биз: “Сен ғусл қилишинг керак”, дедик.

Шунда ўша кишининг дўсти бор эди ва саволни такрорлади.

Ибн Аббос намозини шошиб тугатди ва кейин Икримага: “Олдимга ўша кишини олиб келингчи?” деди. Бизнинг олдимизга олиб келди. Ибн Аббос: “Бу кишига берган фатвонгиз ҳақида Аллоҳнинг китобида келганми, қандай фикрдасиз?”, деди.

Биз “Йўқ!” дедик.

Ибн Аббос: “Расулуллоҳнинг суннатида-чи?”, – деди.  
Биз “Йўқ!” дедик.

Ибн Аббос: “Расулуллоҳ саҳобалар сўзидачи?”, – деди.

Ибн Аббос: “Бу қаердан?”, – деди.

Биз “Ўз фикримизга кўра” дедик.

Шунда, Ибн Аббос ҳадис айтиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Шайтонга бир фақиҳ минг обиддан қаттиқроқдир”, деганлар, деди. Ўша киши Ибн Аббоснинг олдига келди. Ибн Аббос унга деди: “Қачонки, сенда ўшандай ҳолат бўлганда, олдиндан шаҳват топасанми, фикринг қандай?”. Ўша киши “йўқ” деб жавоб берди. Ибн Аббос: “Танангда бўшашишни топасанми?”, – деди. У “йўқ” деди. Ибн Аббос у кишига шундай деди: “Бу совуқликдан экан. Ундан таҳорат билан покланиш жоиз бўлади”.

Олимлар юқоридаги тавсифланганидек бўлмасинми?! Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Аллоҳ кимга яхшилиқни хоҳласа, уни динда фақиҳ қилиб қўяди”, деганлар.

نَ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ:  
«مَنْ يُرِدِ اللَّهُ بِهِ خَيْرًا، يُفَقِّهُهُ فِي الدِّينِ».

12. Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Аллоҳ кимга яхшилиқни хоҳласа, уни динда фақиҳ қилиб қўяди”, деганлар.

13. Ҳамид ибн Абдурахмондан ривоят қилинади: “Мен Муовиядан, у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: “Аллоҳ кимга яхшилиқни хоҳласа, уни динда фақиҳ қилиб қўяди”, – деганларини

эшитганлиги ҳақида хутба қилиб гапираётганини эшитган эдим”.

14. Ибн Аббосдан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Аллоҳ кимга яхшиликни хоҳласа, уни динда фаҳиқ қилиб қўяди”, – дедилар”.

Аллоҳ таоло уларга яхшиликни хоҳласа, уларни динида фаҳиқ қилиб қўяди, уларга Китоб (Куръони карим) ва ҳикматни таълим беради. Олимлар оддий инсонлар учун мисоли қоронғуликда атрофни ёритувчи чироқ каби, шаҳарлар учун эса, маёқ сингари бўладилар.

أَنْسَ بْنَ مَالِكٍ يَقُولُ: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ:  
«إِنَّ مَثَلَ الْعُلَمَاءِ فِي الْأَرْضِ، كَمَثَلِ النُّجُومِ فِي السَّمَاءِ  
يُهْتَدَى بِهَا فِي ظُلُمَاتِ الْبَرِّ وَالْبَحْرِ، فَإِذَا انْطَمَسَتْ النُّجُومُ،  
أَوْشَكَ أَنْ تَضِلَّ الْهُدَاةُ».

15. Анас ибн Моликдан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: “Албатта, самодаги юлдузлар билан қуруқлик ва денгиз зулматларида йўл топилгани каби уламолар ҳам ердаги юлдузлардир. Қачонки юлдузлар ғойиб бўлиши билан, етакчилар адаша бошлайдилар”.

16. Абу Дардодан ривоят қилинади: “Одамлар орасидаги уламолар тўғри йўл топиладиган самодаги юлдузлар кабидир”.

17. Мусо ибн Ясордан ривоят қилинади: “Салмон Форсий хат ёзиб Абу Дардога мактуб жунатгани ҳақидаги хабар бизга ҳам етиб келди. Унда шундай

дейилган экан: “Албатта, илм булоқлар каби бўлиб, одамлар унинг олдига ёпирилиб келадилар. Уни-си-буниси сувдан қониб ичаверади. Аллоҳ таоло бир қанча одамларни манфаатлантиради. Гапирилмаган ҳикмат жонсиз тана кабидир. Чикмайдиган илм ишлатилмайдиган хазина кабидир. Муаллим – зулмат йўлда чироқ кўтариб юрадиган киши каби бўлиб, у ёнидан ўтган одамларнинг йўлини илм билан ёритиб туради. Ҳаммаси яхшиликка чорлайди”.

Аллоҳ сизларни раҳмат қилсин! Офатлари кўп йўл ҳақида нима дейсизлар? Қоронғи тунда одамлар юришга муҳтож бўлаверадилар. Агар чироқ бўлмаса, одамлар ҳайрон қолишади. Аллоҳ уларнинг йўлларини ёритиб турадиган чироқларни тақдир қилган. Шу сабабли одамлар соғ-саломат йўл юрадилар. Кейин инсонлар ортидан бошқа тоифалар келади. Улар ўша йўлдан юришлари керак ва юрадилар. Қачонки, улар ўша йўлдан юраётганларида чироқлар ўчиб қолса, улар зулматда қолиб кетадилар. Бу ҳолатга фикрларингиз қандай? Инсонлар орасидаги олимлар ҳам чироқлар сингаридир. Кўпчилик инсонлар фарзларни қандай адо этишни, ҳаромлардан қандай ўзини тийишни ва Аллоҳга ибодат қилишни уламоларсиз қандай биладилар? Фақат уламолар қолсагина биладилар. Олимлар вафот этиб кетганда эса, инсонлар ўзларини йўқотиб қўядилар ва уларнинг вафоти билан илм дарслари завол топиб, жаҳолат юзага келади. Биз Аллоҳникимиз ва унга қайтувчимиз! Бу мусулмонлар учун энг катта мусибат эмасми?

18. Каъбдан ривоят қилинади: “Илмни кетишидан олдин лозим тутинг! Зотан, илмнинг кетиши

унинг аҳлининг ўлишидир. Олимнинг вафоти юлдуз нурининг сўнишидир. Олимнинг ўлими қайта тикланмайдиган синиш ва тўлдириб бўлмайдиган бўшлиқдир!”.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ الْعَاصِ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «إِنَّ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ لَا يَقْبِضُ الْعِلْمَ انْتِزَاعًا يَنْتَزِعُهُ مِنَ الْعِبَادِ، وَلَكِنْ يَقْبِضُ الْعِلْمَ بِقَبْضِ الْعُلَمَاءِ حَتَّى إِذَا لَمْ يَبْقِ عَالِمًا اتَّخَذَ النَّاسُ رُؤُسَاءَ جُهَالًا فَيَسْأَلُونَ، فَأَفْتُوا بِغَيْرِ عِلْمٍ فَضَلُّوا وَأَضَلُّوا».

19. Амр ибн Оссдан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитганман: “Аллоҳ азза ва жалла илмни бирданнига тортиб олмайди, ҳақиқатда олимларни олади. Қачонки, олим қолмаганда, одамлар ўзларига жоҳил бошлиқларни сайлаб, улардан савол сўрайдилар ва улар илмсиз фатво берадилар. Шундан кейин, ўзлари залолатга кетадилар ва бошқаларни ҳам залолатга кеткизадилар”.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَتَتْهَا قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ اللَّهَ لَا يَنْزِعُ الْعِلْمَ مِنَ النَّاسِ بَعْدَ أَنْ يُؤْتِيَهُمْ إِيَّاهُ، وَلَكِنَّهُ يَذْهَبُ بِالْعُلَمَاءِ، فَكُلَّمَا ذَهَبَ بِعَالِمٍ ذَهَبَ بِمَا مَعَهُ مِنَ الْعِلْمِ، حَتَّى يَبْقَى مَنْ لَا يَعْلَمُ، فَيَضِلُّونَ».

20. Ойшадан ривоят қилинади: Расулulloҳ сол-  
лаллоҳу алайҳи васаллам: “Аллоҳ инсонларга берган  
илмини улардан Ўзига тортиб олмайди. Балки, ула-  
моларни кетказади. Олим бу дунёдан кетганда, илм  
ҳам у билан кетади. Ҳатто, биладиган одам қолмай-  
ди ва инсонлар залолатга кетадилар”.

21. Абу Воилдан ривоят қилинади: “Ибн Масъуд-  
нинг бундай деганини эшитдим: “Исломнинг қан-  
дай камайишини биласизларми? Улар “йўқ” де-  
дилар ва “қандай” деб савол бердилар. Худди ҳай-  
воннинг семизлиги камайгани, кийимни доимий  
кийишда эскиргани ва дирҳамни сарфлаш давоми-  
да камайгани каби бўлади. Агар бир қавмда иккита  
олим бўлиб, улардан биттаси вафот этса, ўша одам-  
лар илмининг ярми ва иккинчиси ҳам вафот этса,  
илмининг барчаси кетади”.

22. Али ибн Абу Толиб бундай деган эканлар:

Ҳақимнинг гапи – қалблар ҳаёти,

Самонинг жаласи – аҳоли нажоти.

Ҳақимнинг нутқи – зулматлар жилоси,

Ҳақимнинг сукути – ҳақамнинг дуоси.

Ҳақимнинг ҳаёти – қалблар жилоси,

Кундузнинг зиёси – зулматлар жилоси!

23. Муоз ибн Жабал бундай дедилар: “Илм ўр-  
ганинлар! Кимки илмни Аллоҳ учун кўрқиб ўр-  
ганса, унинг илм излаши ибодат, дарслари тасбеҳ,  
илмий баҳси жиҳод, билмаган кишига илмни ўр-  
гатиши садақа, оиласига илмни бериши яқин-  
ликдир. Чунки, илм ҳалол ва ҳаром белгиларини  
кўрсатувчи, умидсизликда дўст, ёлғизликда йўл-  
дош, хурсандчилик ва ғамда йўлбошловчидир.  
Дўстлар орасида зийнат, бегоналар ўртасида эса,

яқинликдир. Аллоҳ таоло илм билан қавмлар даражасини кўтаради. Улар эргашиладиган раҳбарлардир. Халқ орасида улар тўғри йўлга бошлайдиган имомлардир. Уларнинг фикри яқиний бўлади. Фаришталар яқинлашиб, олимларни қанотлари билан ўраб олишни хоҳлашади. Хатто ҳар бир ҳўлу-қуруқ, денгизнинг катта балиқлари ва майда жониворлари, қуруқликнинг ваҳший ва чорва ҳайвонлари, осмонлар ва юлдузлар уларга истиффор айтишади. Чунки, илм бу – кўрликдан қутқарадиган қалбларнинг ҳаёти, зулматдан нажот бўладиган кўрувчиларнинг нури, кучсизликдан қочадиган баданларнинг қувватидир. Банда илм билан ҳурлар манзилларига, подшоҳлар мажлисларига, дунё ва охиратда олий даражаларга эришади. Илм билан фикр қилиш ва дарслар қилиш рўзага ва намозга тенг бўлади. Илм билан Аллоҳ азза ва жаллага итоат ва ибодат қилинади. Илм билан қариндошлик алоқалари боғланади, ҳаромдан ҳалол ажратилади. Илм – амалнинг имоми ва амал илмга тобедир. Илм бахтлиларга берилади ва бахтсизларга берилмайди”.

عَنْ أَبِي الدَّرْدَاءِ رَضِيَ اللهُ تَعَالَى عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّهُ لَيَسْتَعْفِرُ لِلْعَالَمِ كُلِّ شَيْءٍ، حَتَّى الحَيْتَانِ فِي جَوْفِ البَحْرِ».

24. Абу Дардодан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Албатта, ҳар бир нарса, хатто денгиз қаъридаги катта балиқлар



ҳам олимга истиғфор айтади”, деб марҳамат қилдилар.

عَنْ أَبِي الدَّرْدَاءِ، رَضِيَ اللهُ عَنْهُ، قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، يَقُولُ: «مَا سَلَكَ عَبْدٌ طَرِيقًا يَتَّبِسُ فِيهِ عِلْمًا إِلَّا سَلَكَ بِهِ طَرِيقًا إِلَى الْجَنَّةِ، وَإِنَّ الْمَلَائِكَةَ لَتَضَعُ أَجْنِحَتَهَا لِطَالِبِ الْعِلْمِ رِضَىٰ عَنْهُ، وَإِنَّهُ لَيَسْتَغْفِرُ لِلْعَالِمِ مَنْ فِي السَّمَوَاتِ، وَمَنْ فِي الْأَرْضِ، حَتَّىٰ الْحِيتَانِ فِي الْبَحْرِ».

25. Абу Дардо Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитдим, деганлар: “Банда илм оладиган йўлда юрар экан, у илм билан жаннат йўлига боради. Албатта, фаришталар илм изловчидан рози бўлган ҳолда қанотларини унга ёзадилар. Осмонлар ва ердаги кимсалар, ҳатто денгиздаги катта балиқлар ҳам олимга истиғфор айтади”.

عن صفوان بن عسال رضي الله عنه قال: أتيتُ رسولَ الله صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ مُتَكِيٌّ فِي الْمَسْجِدِ عَلَى بُرْدٍ لَهُ، فَقُلْتُ لَهُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنِّي جِئْتُ أَطْلُبُ الْعِلْمَ، فَقَالَ: «مَرْحَبًا بِطَالِبِ الْعِلْمِ، طَالِبُ الْعِلْمِ لَتَحْفَهُ الْمَلَائِكَةُ وَتُظِلُّهُ بِأَجْنِحَتِهَا، ثُمَّ يَرْكَبُ بَعْضُهُ بَعْضًا حَتَّىٰ يَبْلُغُوا السَّمَاءَ الدُّنْيَا مِنْ حُبِّهِمْ لِمَا يَطْلُبُ».



26. Сафвон ибн Ассол ал-Муродийдан ривоят қилинади: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, “Эй, Расулуллоҳ! Мен илм ўрганишга келдим”, – дедим. Шунда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Эй, илм изловчи, хуш келибсан!”, – дедилар. Сўнгра, “Илм изловчини фаришталар ўраб олишиб, қанотлари билан соя қилишади. Кейин, илм изловчининг амали фаришталар муҳаббатидан елкама-елка кўтарилиб, ҳатто дунё осмонларигача етади”, деб марҳамат қилдилар”.

27. Зирр ибн Хубайшдан ривоят қилинади. “Мен Сафвон ибн Ассол ал-Муродий ёнига бордим. У менга: “Нимага келдинг?”, деди. Мен: “Илм олишни хоҳлаб келдим”, дедим. У эса, шундай деди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: “Уйдан илм олиш мақсадида чиққан кимса борки, фаришталар ўша илм излаётганнинг қиладиган амалидан рози бўлган ҳолатда унга қанотларини қўймаса!”, деганларини эшитганман.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ، قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ سَلَكَ طَرِيقًا يَتَمَسُّ فِيهِ عِلْمًا سَهَّلَ اللَّهُ لَهُ طَرِيقًا إِلَى الْجَنَّةِ».

28. Абу Хурайрадан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Кимки илм талаби йўлидан юрса, Аллоҳ у учун жаннат йўлини осон қилиб қўяди”, дедилар.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ:

« مَنْ خَرَجَ فِي طَلَبِ الْعِلْمِ فَهُوَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ حَتَّى يَرْجِعَ ».

29. Анас ибн Моликдан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ким илм излаш мақсадида чиқса, у қайтгунича, Аллоҳ йўлидадир!”, деб марҳамат қилдилар.

عثمان رضي الله عنه قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «يشفع يوم القيامة الأنبياء، ثم العلماء، ثم الشهداء».

30. Усмондан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Қиёмат кунида аввал набийлар, улардан кейин олимлар ва кейин шаҳидлар шафоат қиладилар”, деб марҳамат қилдилар.

31. Ҳасан ал-Басрийдан ривоят қилинади. У зот: “Эй, Раббимиз. Бизга дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшилик ато қил!” (Бақара сураси, 201-оят) оятдаги “ҳасана” сўзидан мурод бу – дунёда илм ва ибодат, охиратда жаннатдир”, дедилар.

Уламолар учун ҳар бир ҳолатда катта фазилат бор. Яъни, уларнинг илм излаб чиқишларида ҳам, дарсларида ҳам фазилат бор. Бир-бирлари билан қилган музокараларида ҳам фазилат бор. Кимлардир улардан илм ўрганишида ҳам, уларнинг кимларгадир илм ўргатишида ҳам фазилат бор. Аллоҳ олимлар учун кўп жихатлардан яхшиликни жамлаб қўйган. Аллоҳ бизга ва уламоларга илм билан манфаат берсин.

عَنْ أَبِي أَمَامَةَ الْبَاهِلِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ

عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «عَلَيْكُمْ بِالْعِلْمِ قَبْلَ أَنْ يُفْبَضَ، وَقَبْلَ أَنْ يُرْفَعَ  
 « ثُمَّ جَمَعَ بَيْنَ أَصْبُعَيْهِ الْوُسْطَى وَالَّتِي تَلِي الْإِبْهَامَ، ثُمَّ قَالَ:  
 «الْعَالِمُ وَالْمُتَعَلِّمُ شَرِيكَانِ فِي الْأَجْرِ، وَلَا خَيْرَ فِي النَّاسِ بَعْدُ».

32. Абу Умома Боҳилийдан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Сизлар илм тортиб олинини ва кўтарилишидан олдин, уни олинглар!”, дедилар. Кейин кўрсаткич ва ўрта бармоқларини жамлаб туриб: “Олим ва илм ўрганувчи ажрда шерикдирлар. Улардан бошқа инсонларда яхшилик йўқ”, деб марҳамат қилдилар.

33. Абу Дардодан ривоят қилинади. У зот: “Олим ва илм ўрганувчи – савобда тенг. Одамларнинг одамгарчиликдан чиққанларида яхшилик йўқ”, дедилар.

عَنْ أَبِي أَمَامَةَ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «أَرْبَعَةٌ تَجْرِي عَلَيْهِمْ أَجُورُهُمْ بَعْدَ الْمَوْتِ: الْمُرَابِطُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ، وَمَنْ عَلَّمَ عِلْمًا أُجْرِي لَهُ، مَا عَمِلَ بِهِ، وَرَجُلٌ تَصَدَّقَ بِصَدَقَةٍ فَأَجْرُهُ يَجْرِي مَا حَرَتْ، وَرَجُلٌ تَرَكَ أَوْلَادًا صِغَارًا فَهُمْ يَدْعُونَ لَهُ».

34. Абу Умомадан ривоят қилинган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Тўрт тоифа кишиларга вафотларидан кейин савоб етиб туради: Аллоҳ йўлида чегарада соқчилик қилувчи; кимки илм ўр-

гатса, унга амал қилинар экан, савоб етиб туради; садақа қилган кишига садақа мислича савоб етиб туради ва ўзидан ёш фарзандлар қолган кишига фарзандлари дуо қилиб турсалар”.

35. Ибн Аббосдан ривоят қилинади. У зот: “Яхшиликни ўргатувчи ва ўрганувчига ҳар бир нарса ва ҳатто денгиздаги катта балиқлар ҳам истиффор айтади”, деганлар.


36. Ибн Масъуд: “Албатта, Муоз тақводор банда эди”, деганлар. У зотга: “Иброҳим алайҳиссалом ҳам тақводор банда эди”, дейишди. Шунда, у зот: “Биз Муозни Иброҳим алайҳиссаломга ўхшатар эдик”, деганлар. Ибн Масъуддан: “Тақводор” ким?”, деб сўрашган. У эса: “Уллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилувчи”, деб жавоб берганлар.

37. Ҳасан ал-Басрийдан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Албатта, Аллоҳ азза ва жалланинг розилигини топиш учун илм ўрганишинг, кейин уни (ўзгаларга) ўргатишинг бир садақадир”, деб марҳамат қилганлар.

Тафаккур қилувчи ва олимлар билан бирга бўлиш мақсадида илм ўрганишни ўзига лозим қилган ҳамда Аллоҳ азза ва жалла уларни мусулмонлардан мумтоз қилиб қўйган олимларнинг фазилати ҳақида мухтасар баён қилдим. Илм – Аллоҳнинг тавфиқидир.

Агар кимдир: “Ким илм ўрганса, ёдласа ва у билан мунозарага киришса, юқорида келтирганимдек, фазилатга эга бўладими?”, деса, унга: “Умид қиламанки, Аллоҳ яхшилик ва уламоларга ваъда қилган хайрли илмни ўрганишда ҳар бир мусулмонни давомий қилади”, деб жавоб берилади.

Аmmo, баён қилинган олимларнинг сифатлари ва хулқларини биз келтирамиз. Илм аҳлидан ким юқоридаги сифатларни тафаккур қилса, ўз-ўзини англайди. Олимлардан кимдир илм фазилати билан Аллоҳ азза ва жалла уни афзал қилиб қўйгани учун шукр қилса ва айтилган сифатларга эга бўлмаган ҳолда илми ўзига қарши ҳужжат қилинмаса, Аллоҳ азза ва жалла унга мағфират ато қилади ва у тез ҳақиқатга эришади. Аллоҳ тавфиқ эгасидир!



## АЛЛОҲ ДУНЁ ВА ОХИРАТГА ФОЙДАЛИ ИЛМ БИЛАН МАНФААТЛАНТИРГАН ОЛИМЛАРНИНГ СИФАТЛАРИ

Олимда фойдаланиш зарур бўлган сифатлар, турли ҳолатлар ва даражалар мавжуд. Олим ҳар бир ҳолатда унга шарт бўлган нарсдан фойдаланади. Олимда илмни қандай излаш, ўзига керак ва лозим бўлган кўплаб илмларни ўрганиш, олимлар билан қандай ўтириш ва улардан қандай таълим олиш, бошқага илм бериш, мунозара қилиш, инсонларга қандай фатво бериш, раҳбарлар билан мажлис олиб бораётганида қандай ўтириш, ким билан ўтириш, илмсиз кишилар билан қандай дўстлашиш ҳамда Аллоҳ таолога қандай ибодат қилиш каби ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Олимга ҳақиқатда етишиши учун керак бўладиган барча ҳақиқатни ва динида ёмонлигидан нажот топадиган барча офатни зикр қиламан. Шунингдек, олим тоатларни топадиган ва балоларни кетказадиган нарсани ҳам айтиб ўтаман. Яхши хулқларни ажратиб оламан ва ёмонларини ташлаб юбораман.

## ОЛИМНИНГ ИЛМ ИЗЛАШ СИФАТИ

Олимнинг илм излаш мақсадларидан бир хусусияти, Аллоҳ таоло унга фарз қилган ибодатини билиш ҳисобланади. Чунки, ибодат илмсиз бўлмайди. Маълум бўлдики, илм олимга фарз саналади ва мўмин киши жоҳиллик билан гўзал бўлмайди. Илм ўрганиш мўмин кишидан жоҳилликни кетказди. Шунингдек, Аллоҳ таолога ибодатни бандаси хоҳлагандай эмас, балки Ўзи буюргани каби амалга оширишни ўргатади. Булар эса, олимнинг илм излашда интилишидан мақсадидир. Олим интилишидаги фазилатни ўзидан билмай, балки, уни Аллоҳ азза ва жалладан, деб ишонган ҳолатда ихлос қилади. Чунки, Аллоҳ уни Ўзига фарзларни бажариш ва ҳаромларни тарк қилиш билан ибодат қилиш илмини излашга муваффақ қилади.





## ОЛИМ КИШИНИНГ УЛАМО ОЛДИГА БОРИШ СИФАТИ

Олим юмшоқлик, ҳилм, виқор ва адаб билан юради. У юрганида барча яхшилиқни бажаради. Баъзан, олим ёлғиз қолиб, Куръон ўқишни, баъзан, зикр қилишни ва баъзан ўзига Аллоҳнинг неъматлари ҳақида ўзи билан ўзи гаплашиб, ўздан шукрни талаб қилишни хоҳлайди. Эшитишининг, кўришининг, тилининг, нафсининг ва шайтоннинг ёмонлигидан сақланиш учун Аллоҳ таолодан паноҳ сўрайди. Агар олим йўлида ким биландир ҳамроҳ бўлишига тўғри келса, ўзига нафи тегадигани билан йўлдош бўлади. Ҳамроҳлар уч гуруҳга мансуб бўлади:

1. Ўздан илмлироқ бўлган ҳамроҳ. Ундан яхши илм ўрганади.
2. Илмда ўзи билан тенг ҳамроҳ. У билан илмни бирга такрор қилади.
3. Ўздан илми паст бўлган ҳамроҳ. Аллоҳ таоло йўлида унга илм ўргатади.

Олим шогирдлари сони кўплигидан малолланмайди. Балки, уни ўзига фойда келтирадиган барокат сифатида яхши кўради. Олим нотўғри нарсалар билан банд бўлишдан кўрқиб, мазкур хусусиятлар билан ўзини машғул қилади. Таъқиқланган нарсаларни яхши қилиб кўрсатувчи душмани бўлмиш шайтондан нафратланган ҳолда қаттиқ кўрқади. Олим Аллоҳдан манфаатсиз илмдан сақланишни ва манфаатли илм беришни сўрайди.



Олимнинг Аллоҳ азза ва жалла Каломини ўқишидан мақсади, унда қайтарилган ва амр қилинган нарсаларни тушунишдир. Суннат, ҳадис ва фикҳни ёдлашдан мақсади эса, Аллоҳ амр қилган нарсани йўқ қилмаслик ва илм билан одобланишдир.

Олим ўзини қизиқтирмайдиган нарсадан узоқ сукут қилсин, ҳатто ёнидаги суҳбатдоши унинг гапига интизор бўлсин. Агар олимнинг илми кўпайса, унинг ўзига ҳужжат бўлишидан қўрқади ва ўша олим ўз илмидан қўрқувчидир. Илм кўпайгани сари қўрқинч ҳам кўпаяди! Олим бошқалар эшитган илмни эшитмаса, ундан хафа бўлади. Олимнинг хафалиги ғафлат билан бўлмайди. Ҳатто, ўз нафсини маъқуллаб, уни хафагарчиликдан ҳисобласа ҳам, унга шундай дейди: Нимага хафа бўласан? Эй, нафсим, хафа бўлиш сенинг зараринга бўлишдан эҳтиёт бўл. Эшитиб зарарингга ҳужжат бўладиган ва унга амал қилмайдиган илмдан кўра бошқалар эшитиб, сен эшитмай қолган илм сен учун афзалроқдир. Амал қилмаган илмингдан хафа бўлиш, эшитмаган илмга хафа бўлишингдан афзалроқдир. Сен илмни эшитишга қодир бўлсанг ҳам у сенинг зараринга қарши ҳужжат бўлиши мумкин. Ундан хафа бўлишликдан сақланиш учун Аллоҳга истиффор айт ва эшитган илминг сенга манфаатли бўлишини ҳам сўрагин.

## ОЛИМЛАР БИЛАН ЎТИРИШ ОДОБИ

Қачонки, аҳли илм олимларнинг мажлисини яхши кўрса, одоб ва камтарлик билан ўтиради, овозини паст қилади ва камтарлик билан савол сўрайди. Олим саволининг аксарияти, Аллоҳга ибодат қилиш илми ҳақида бўлади.

Шунингдек, савол сўровчи олимларни сўраган саволи ҳақида кам маълумот билишини билдириб қўяди. Ўша олимлардан билиб олгандан сўнг “Сизлардан кўп яхши илм олдим”, дейди. Кейин савол сўровчи олимларга жавоби учун миннатдорчилик билдиради. Агарда олимлар унга жаҳл қилсалар ҳам савол сўровчи уларга жаҳл қилмайди. Савол сўровчи олимларнинг жаҳлини чиқарган нарсани топиб, бартараф этади ва узр сўрайди. Саволлар билан олимларнинг жаҳлини чиқармайди. Ўзининг барча ишларида юмшоқлик қилади.

Олим бошқа олимлар билан “Мен сизлардан билимиман” қабилида мунозара қилмайди. Олимнинг баҳсга интилиши ўша олимлардан наф олиш учун бўлади. Уларга яхши лутф кўрсатади. Олимларга ниманидир исбот қилмайди ва аҳмоқлар билан асло баҳслашмайди. Олимларга эҳтиром кўрсатиб, чиройли сабр қилади. Натижада, Аллоҳ ҳузурдаги динини тушунишни кўпайтирадиган илм ўрганади.

## ИЛМ БИЛАН ТАНИЛГАН ОЛИМНИНГ ОДОБИ

Қачонки, Аллоҳ мўминлар орасида бирор олимнинг шон-шухратини ёйса, албатта, у олимлардандир. Шунингдек, одамлар унинг эгаллаган илмига мухтож бўлсалар, олим ва бошқаларга камтарлик билан муносабатда бўлишни ўзига лозим тутлади. Олим илмда ўзи билан тенг шахсларга нисбатан камтар бўлса, уларнинг қалбларида унга нисбатан муҳаббат пайдо бўлади, уни яқин кишисидек яхши кўрадилар. У йўқ пайтда эса, уларнинг қалблари соғиниб қолади.

Олимнинг уламоларга нисбатан тавозеъли бўлиши шартдир. Чунки, илм унга камтарликни кўрсатади. Олимнинг камтарлиги илмсиз шахсга нисбатан ҳам бўлмоғи керак. Илмнинг ҳурмати Аллоҳ таоло ва ақлли кимсалар ҳузурида бўлади.

Олимнинг илми, сидқидиллиги ва яхшилиқни хоҳлашдаги сифатларидан бири – илми билан Аллоҳ розилигини исташидир. Шунингдек, олим илми подшоҳлар ҳузурида мартабали жойни эгаллаш мақсадида ўрганмайди ва илмини уларнинг олдиларига кўтариб бормайди. Илми фақат унинг қадрига етмайдиганлардан сақловчидир. Илми учун ҳақ олмайди ва у билан эҳтиёжларни талаб қилмайди! Ёмон болаларга яқинлашмайди ва камбағаллардан йироқда бўлмайди. Ёмон болалардан воз кечади ва камбағаллар ҳамда солиҳларга илм фойда бериши

учун уларга камтарлик кўрсатади. Олимнинг илмий мажлиси бўлса, ўзи билан ўтирганга чиройли муомалада бўлишни, кимдир ёмон муносабатда бўлса ҳам, юмшоқ сўзликни ва чиройли ахлоқда бўлишни ҳамда ахлоқсизликни тарк этишни ўзига шарт қилиши керак.

Олимнинг ёнма-ён ўтирганлар билан ахлоқи: кимнингдир зеҳни тезда тушуниш даражасидан паст бўлса, олим-у тушуниб олгунча, сабрли бўлади. У бекорга жаҳл қилса ҳам, эзгуликни хоҳламагунча олим кучли бардошли бўлади. Ўзи билан ўтирганларга энг яхши хулқларни ўргатади, уларни бекорчи нарсаларга шўнғиб кетишга чорламайди. Олим илмдан гапирилаётган нарсага жим қулоқ солишни уларга буюради.

Агар одамлардан кимдир илм аҳлига нисбатан ёмон хулқ билан муомала қилиш йўлига юрса, унинг юзига ҳақоратли танбеҳ бермайди. Лекин, “Илм аҳлига бу ярашмайди, унинг одоби бундай: аҳли илм бундай нарсалардан узоқда бўлиши керак, бундай хулқ эгаси яхши бўлмайди...”, деб таълим берилади. Одобсиз кимса эса, бундан кўзланган мақсад нималигини албатта билади. Бу ҳақда, олим ўзининг яхшилиги билан уни олдиндан огоҳлантиради. Агар улардан кимдир ўзига фойдаси бўлмаган нарса ҳақида олимдан сўраса, олим сўровчини ундан қайтаради ва унга фойда бўлган нарсага буюради. Агарда уларнинг илми саёзлиги ва илмга безътибор бўлганлари маълум бўлса, олим буни уларга билдиради.

Олим савол сўровчига кўпол танбеҳ бермайди. Шу сабаб бўлиб, у хижолат бўлмасин. Уни бақириб ҳайдамайди. Шу сабаб бўлиб, унинг обрўси тўкилмасин. Аммо, олим сўровчининг нимани назарда тутаётганлиги тўғрисидаги мақсадини билиб, сўралган масалада сўровчини тўғрилаш учун масалани муфассал тушунтиради. Ҳаром ишлардан ўзини сақлаш ва фарз бўлган илмларни ўрганишга савол сўровчини қизиқтириб, ундайди. Кимдир олимдан савол сўраса ва ўша масаласи ҳақида билимга муҳтож бўлса, у кишини қабул қилиб, унга ўргатади. Баҳс ва иккиюзламачиликни хоҳлаб савол сўраган кишини олим тарк этади. Ҳикмат ва чиройли маъруза билан уларни ўзига яқинлаштиради. Нодонга нисбатан вазмин жим туради, ҳикматни насиҳат қилиб тарқатади. Бу ва бунга ўхшаш хулқлар олимнинг ўзи билан ўтирганларга нисбатан сифатларидир.

Кимдир олимдан илм ва фатво сўраганда олим қиладиган ишга келсак, кимдир ундан масала сўраса ва олим бу ҳақида билса, унга жавоб беради. Албатта, олим берган жавоб Қуръони карим, суннат ва ижмоъга асосланган бўлиши керак. Агар илм вакиллари ихтилоф қилган масала ҳақида сўралса, олим уни батафсил тушунтиради. Олим мазкур масалани Қуръони карим, суннат ва ижмоъда учратса, уларни баён қилади. Агар баъзи саҳобалар ва уламоларнинг гаплари бир-бирига мос бўлса, уларни батафсил баён қилади. Агар уларнинг гаплари бир-бирига тескарилигини кўрса, уларнинг гапларини ўзи яхшилаб тушуниб олмагунча, айтмайди. Олим

фикрида шубҳаланса, ҳақиқат унга аён бўлмагунча, ўзидан илмли ёки тенг бўлган кишидан сўраш унга шарт бўлади. Шунингдек, олим устозидан яхшилик ва ҳақиқатга эришиш учун огоҳлантиришни сўраши вожиб бўлади. Олим билмайдиган илми ҳақида сўралса, “мен биламан”, дейиши тўғри бўлмайди.

Олимдан масала сўралса ва уни бетартибликка сабаб бўлувчи масалалардан эканлигини билса, мусулмонлар орасида фитна қилиб қўймаслик учун ўша саволга жавоб беришдан бош тортади ва савол сўровчига эътироз билдириб, уни энг муносиб бўладиган жавобга йўналтиради.

Агар олим бир масалага фатво бериб, кейин унинг хатолигини билса, берган фатвосидан қайтишни уят санамайди. Агар олим бир гап айтганда, унга ўзидан илмли ёки тенг ёки ўзидан илми паст олим раддия берса ва олим гапининг хатолигини билса, ўз гапидан дарҳол қайтади ҳамда раддия берган кишини мақтайди ва унга яхшилик тилайди.

Агар олимдан масала сўралса ва у масала тўғрисидаги гап олимга шубҳали бўлса, олим “Мендан бошқалардан сўранглар”, дейди. Яъни, сўралган нарсанинг ҳал қилинишини олим ўз зиммасига олишга мажбур эмас. Бидъат пайдо қиладиган масалалардан ўзини йироқ тутати. Бидъат вакилларига қулоқ солмайди, уларнинг мажлисларига бормайди, улар билан жанжаллашмайди.

Олим Китобга ва суннатга асосланади. Саҳобаларнинг, улардан кейинги тобеъинларнинг ҳамда мусулмонларнинг кейинги имомлари гапларига суянади.

Олим Куръони карим ва суннатга буюради, бидъатдан қайтаради. Шунингдек, у уламолар билан баҳслашмайди, нодонлар билан жанжаллашмайди. Аллоҳнинг каломини тиловат қилишдаги мақсади ҳукмларни тушуниш бўлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларидаги фикҳни англаш бўлади. Буларнинг бари олим ўзининг Аллоҳ олдидаги бурчини зое қилмаслиги учундир. Илм Аллоҳга қандай қурбат ҳосил қилишни, ғофил кишига эслатишни ҳамда жоҳил кишига ўргатишни ҳамда ҳикматни илм вакилларига беришни, улардан бўлмаганларга эса, бермасликни билиш учун ўрганилади. Олим киши дорининг қаерга малҳам бўлишини билган табиб кабидир.

Аллоҳ таоло илмни инсонларнинг қалбларига ёйиб қўйган бўлса, яхши ахлоқлар ўша илм эгасининг сифатлари бўлмоғи даркор. Олимнинг илми кўпайиб борган сари Аллоҳга тавозеъси ҳам ортиб боради. Олим илмдан олиши лозим бўлган вожибларни эгаллаб боришни, ўта эҳтиёткорлик билан Аллоҳ таолодан сўрайди.



## ОЛИМНИНГ МУНОЗАРАГА ЭХТИЁЖИ БЎЛГАНДА, МУНОЗАРА ҚИЛИШ ОДОБИ

Аллоҳ сизларни раҳмат қилсин. Биз ва сизларга ҳам тўғрилиқни муваффақ қилсин. Билинларки, Аллоҳ динда фақиҳ қилган ва манфаатли илм берган ақлли олимнинг сифатларидан бири, баҳслашмаслик ва илм билан устун келишга интилмасликдир! Лекин, ким учундир шифо бўладиган илм билан устун келишга ишончи комил бўлсагина, уни қилади. Бу ҳақиқатга қарши чиқиб ёлғончи бўлган ва мусулмонлар жамоасидан ажраб чиқиб адашган кишини олим ўз ҳақиқати билан бартараф этиш учунгина уюштириладиган мунозарадир.

Кимдир бундай дейиши ҳам мумкин: “Агар бирор масалада олимлар турли фикрлар билдиргани боис танишиш мушкул бўлган илмга олим эҳтиёж сезса, у уламолар билан ўтириб, ўша масала ҳақида ҳақиқатни билгунича, мунозара қилиши керак. Агар олим мунозара қилмаса, у масала маълум бўлмайди?”.

Савол берувчига айтилади: сиз айтган бу далил билан ҳавоий нафсига эргашувчига “душман” бостириб кириб, агар мунозара ва мужодала қилмасанг, тушунмайсан, деб, уни мунозара ва қайтарилган йўлга туширади. Яъни, бу ишнинг оқибати ёмонлиги ўз-ўзидан маълум. Бундан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳамда мусулмонларнинг имомларидан бўлган олимлар бизларни огоҳлантириб кетганлар.



عن النبي صلى الله عليه وسلم أنه قال: «من ترك المراء وهو صادق، بنى الله له بيتا في وسط الجنة».

38. Набий соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилинган. У зоти шариф: “Ким тортишувни тарк этса, у ростгўйдир ва Аллоҳ унга жаннат ўртасида бир уй бино қилади”, деб марҳамат қилганлар.

39. Муслим ибн Ясор: “Сизлар тортишувдан сақланинглар. Чунки, тортишув – олимнинг жоҳиллиги пайтидир. Бу билан шайтон олимнинг хато қилишини истади”, деганлар.

40. Ҳасан Басрий: “Тортишадиган фақиҳни кўрмадик”, деганлар.

41. Ҳасан Басрий яна: “Мўмин киши хушомад қилади. Аммо, тортишмайди. Аллоҳнинг ҳикмати тарқатаверади. Қабул қилишса ҳам Аллоҳга шукр қилади, қабул қилмасалар ҳам Аллоҳга шукр қилади”, деганлар.

42. Муоз ибн Жабал: “Агар бир кишини яхши кўрсанг, у билан баҳслашма, унга ёмонлик қилма ва уни мазах қилма”, деганлар.

Ҳақимлар фикрича, кўп тортишув дўстларнинг қалбини ўзгартиради, бирдамликдан кейин ихтилофни ва шодликдан кейин хафаликни пайдо қилади.

عَنْ أَبِي أُمَامَةَ الْبَاهِلِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَا ضَلَّ قَوْمٌ بَعْدَ هُدًى كَانُوا عَلَيْهِ إِلَّا أَوْثُوا الْجَدَلَ».

43. Абу Умома Набий соллаллоху алайхи васалламнинг: “Ҳидоятга етишган гуруҳ ораларида тортишув бўлсагина адашишади!”, деганларини ривоят қилганлар. Зотан, мўмин оқил олим ўз динида жанжал ва тортишувлардан қўрқади.

Агар кимдир: “Қийин бўлган илмда нима қилиш керак?”, деса, савол берувчига бундай дейилади:

“Ҳолат шундай бўлса ва ўзига қийин бўлган илмни тўлиқ ўрганишни хоҳласа, илми сабабидан Аллоҳ таоло розилигини хоҳлайдиган ҳамда ўз илми, фаҳми ва ақлига қониқадиган олимнинг ҳузурига боради. У билан манфаатни кўзлаган кишининг музокараси каби музокара ўтказади. Ва яна сиз билан бўлаётган музокарам ҳақиқатни кўзлаган кишининг мунозараси, деб билдириб қўяди. Ғолиб чиқиш мақсадида тортишадиган киши каби бўлмайди. Бу мунозарада мунозара одоблари ва қоидаларига қатъий риоя қилади. Бу ҳолатда тўғри мунозарани хоҳлаш ва ўзининг хато қилишини ёмон кўргандек рақибининг ҳам хатосини ёмон кўрмоқлик зарурдир. Ва яна ўзига ёмон кўрган нарсани унга ҳам ёмон кўрмоқлиги керакдир. Шу мунозара жараёнида унга: “Бу мунозарада ўзингиз тўғри бўлиб, мақсадингиз ҳақиқат борасида менинг хато қилишим бўлса ва менинг мақсадим ҳам ўзим тўғри бўлиб ҳақиқат борасида сизнинг хато қилишингиз бўладиган бўлса, бундай иш – бизларга ҳаром! Чунки, бу каби ишимиздан Аллоҳ таоло рози бўлмайди. Бизларга бу каби ҳолатдан тавба қилмоқлик вожиб”, деб билдириб қўйиши ҳам керак.

Агар кимдир: “Қандай қилиб, ўзаро мунозара ўтказамиз?”, деса савол берувчига: “Ўзаро насиҳатлашиб”, дейилади.

Агар кимдир: “Қандай қилиб ўзаро насиҳатлашилади?”, деса, мен у кишига бундай дейман: “Орамизда бўлган бир масала бўйича мен “албатта, у ҳалол” десам ва сиз “у ҳаром” десангиз, ўша масалада яхшилиқни талаб қилган кишининг сўзини барчамиз гапиришимизга ҳукм қиламиз. Менинг мақсадим, сизнинг тилингиздаги ҳақиқат мен учун кашф бўлса, мен сўзингизга қўшиламан. Ёки тилимдаги ҳақиқат сиз учун кашф бўлса, сиз менинг сўзимга қўшиласиз. Яъни, Қуръони карим, суннат ва ижмоъга мувофиқ сўзимга қайтишингиз керак. Агар бу бизнинг мақсадимиз бўлса, бу мунозара натижалари мадҳ қилинишини умид қиламан. Натижада, биз савобга муваффақ бўламиз ва шайтонга насиб қилмаган тўғрилиққа етамиз”.



## ИЛМ ВА МУНОЗАРА МАЖЛИСЛАРИДА БИРОВ ҚАРШИ ЧИҚҚАНДА АҚЛЛИ ОЛИМНИНГ СИФАТЛАРИ

Кимдир илм ва мунозара мажлисларида оқил олимга эътироз билдирганида, унинг мунозарадан мақсади тортишув, риё ва енгиш экани маълум бўлса, ўша киши билан мунозара қилиш ярашмайди. Чунки, ўша киши унинг гапини рад этишини ва ўз мазҳабига (оқимига) ёрдам бермоқчилигини оқил олим яхши билади. Агар унга қабул қилиш вожиб бўладиган барча далилларни кўрсатса ҳам у қабул қилмайди ва ўз гапини устун тутаверади. Агар ўша кимсанинг муроди шу бўлса, демак, унинг фитнасидан сақлана олмайди, мунозаранинг оқибати ҳам яхши бўлмайди.

Мунозара қилишдан енгиш ва тортишувни мақсад қилган кишига бундай дейилади: менга хабар қил! Агар мен ҳижозлик ва сен ироқлик бўлиб, иккаламининг ўртамизда бир масала юзага келса, мен ўз мазҳабимга биноан “у ҳалол”, – дейман ва сен ўзингнинг мазҳабингга асосан “у ҳаром”, – дейсан. Сўнг, сен ўзингни ҳақ билиб, мендан мунозара қилишни сўрасанг ва ундан мақсадинг иддао қилаётган гапингдан қайтиш бўлмаса ҳамда ҳақиқат сен томонда бўлса, албатта, ушбу масала бўйича сенинг гапингни оламан. Агар ушбу масалада ҳақиқат мен томонда бўлса ва мунозарамдан муродим айтган гапимдан қайтиш бўлмаса, сен ўша масалада ме-

нинг гапимга қулоқ соласан. Мабадо, бу масалада менинг мақсадим сенинг гапингни рад қилиш бўлса ва сенинг ҳам мақсадинг менинг гапимни рад қилиш бўлса, ушбу масалада мунозора қилишимиздан маъни йўқ. Биз учун энг афзали, сен ўзинг билганигда ва мен ўз билганимда сукут қилишдир. Бу эса, биз учун энг тинчи ва биз амал қилиш лозим бўлган ҳақиқатга энг яқинидир.

Агар кимдир: “Бу қандай бўлади?”, деса савол берувчига: “Чунки, сен ўзинг ноҳақ бўлган ҳолингда менинг ҳақиқатдан оғишимни хоҳлайсан. Натижада, мен ҳақиқатга эриша олмайман ва бу ҳолат сени хурсанд қилади ҳамда бу билан сен завқланасан. Агар менинг ҳам мақсадим худди сеники каби бўлса, сен ҳақиқатга эриша олмайсан ва бу ҳолат мени хурсанд қилади ҳамда бу билан мен завқланаман. Мабадо, биз шу каби ҳолатни мақсад қилсак, биз оқибатсиз ёмон одамлар бўлиб, ҳақ йўлга ҳаргиз эриша олмаймиз. Илм бизнинг зиёнимизга ҳужжат бўлиб, жоҳил-билимсиз киши ҳам биздан кўра, узрлироқ ҳисобланади.

Буларнинг ҳаммасидан ёмонроғи, бу – бахслашаётган икки кишининг бири Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам суннатидан ўз фикрига ҳужжат сифатида рақибига келтирган-да, иккинчи томон ўша ҳужжат – ҳадисни бемаъниларча рад этишидир. Ваҳоланки, уларнинг ҳар бири ўз ҳужжатининг рад этилишидан кўрқади. Ҳаттоки, ўша киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан экани аниқ бўлган суннат билан гапирган тақдирда ҳам, иккин-

чи томон унга нисбатан “Бу ботил!”, – дея, Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг суннатини ўз фикри билан бемаъниларча инкор этади. Мен эса, асло бундай демайман! Агарда улардан бири ўша масалада саҳобаларнинг сўзларидан ҳужжат сифатида келтирса-ю, у ўша рақибини енгишга фойдаси тегса ҳам, уларнинг ҳар қайсиси бир-бирининг гапидан ғолиб келишга ҳаракат қилиб, нимадан ҳужжат сифатида келтирилганига эътибор бермайди ва суннатлар-у ривоятларнинг рад этилишдан ташвишланмайди.

Жоҳил кишининг сифатларидан бири, бу – мунозарада тортишув, риё ва енгишга интилишдир. Аллох таоло ундай кимсанинг мақсадидан Ўзи асра-син!

Оқил олимнинг сифатларидан бири, бу – ўз мунозарасидан мақсади ўзи ва бошқаларга дўстона маслаҳат бериш ва яхши манфаат топишдир. Аллох таоло уламолар орасида бу каби олимларни кўпайтирсин ва унинг илми билан фойдалантирсин ҳамда уларни ҳилм билан зийнатласин.


## ОҚИЛ ОЛИМНИНГ АХЛОҚИ ВА УНИНГ БОШҚАЛАР БИЛАН БИРГА ЯШАШИ

Кимнинг илмдаги ахлоқи юқорида бил билин этган таърифлардан бўлса, йўлдош бўлган одам унинг ёмонлигидан омонда бўлади ва дўст бўлган одам унинг яхшилигидан умидвор бўлади. Ундай олим хатолар туфайли таъна қилмайди, бошқаларнинг айбини фош қилмайди, балоғат билан гапни бўлмайди, ишонилган сирни ошкор қилмайди, ноҳақ ўч олмайди, айб иш қилган дўстни афв қилади ва кечиради. Ўша киши ҳақиқатга итоатгўй, ботилдан сақланувчи, озор берган кишига нисбатан ғазабини босувчи, ўзининг мавлосига қарши чиққан кимсадан энг нафратланувчи, аҳмоқ кишига сукут билан ва олим кимсага қулоқ солиш билан жавоб бергувчидир. Ўша киши лаганбардор, кек сақловчи, иккиюзламачи, ҳийлагар, ҳасадчи, адоватчи, аҳмоқ, қўпол, адабсиз, қаттиққўл, ҳақорат қилувчи, лаънатловчи, туҳматчи ва сўкинувчи бўлмайди.

Ўша олим Роббисига тоат қилишга ёрдамлашадиган дўстларига ҳамроҳ бўлади, Парвардигор рози бўлмайдиган нарсалардан қайтаради, ёмонлигидан омон бўлган кишилар билан гўзал муомала қилади, бандаларга нисбатан нафрат ва ҳасаддан қалби покдир, унинг қалбида узр ҳолати мумкин бўлган ҳар бир нарсада мўминларга нисбатан яхши гумон кучли бўлади, бандаларнинг биридан неъмат-



ларнинг тугадини яхши кўрмайди, жаҳли чиққан одамга хушмуомалалик билан муносабат қилади. Қачонки, ўша олим бошқанинг жаҳлидан ажаблansa, “Ўзининг жаҳли Роббиси олдида уникидан ҳам кўпдир”, – дейди. Ундай олимда ёмон иш бўлмайди ва ундан фасод ҳамда ёмонлик содир бўлмайди. Инсонлар ундан роҳат оладилар ва унинг ўзи эса, жидду жаҳдда бўлади.



## ОЛИМНИНГ ЎЗИ БИЛАН РОББИСИ АЗЗА ВА ЖАЛЛА ЎРТАСИДАГИ АХЛОҚИ ВА СИФАТЛАРИ

Олим амал қилиши лозим бўлган, биз айтиб ўтган гўзал ахлоқларнинг барчаси унга Роббиси тавфиқи ва инояти билан содир бўлади. Кимга биз баён этган гўзал ахлоқларга амал қилиш билан тавфиқ берилган бўлса, у ўзи билан Роббиси ўртасидаги мен таъриф берган Аллоҳ таоло унинг қалбига жойлаган энг катта мартабадир. Ўша киши ушбу гўзал хулқлардан манфаатланади ва илми билан бўлса, у учун шарафдир. Чунки, у пайғамбарларнинг вори си ва валийлар кўзларининг қораси ва жафо аҳли қалбларининг табибидир! Ўша кишининг қалби Раҳмонга илтижо билан неъматланган бўлади. Кучли тиришқоқ ҳамда яхши ишларга ғайратли бўла туриб ҳам ўзини хато қилувчи гуноҳкор ва камчилиги бор одам санайди.

Ўша киши зоҳири кучли бўлса-да, Аллоҳ азза ва жаллага мурожаат қилади, Аллоҳга ишонади ва Ундан бошқасидан хавфсирамайди, Аллоҳдан бошқа барча нарсага муҳтож бўлмайди, Аллоҳга нисбатан ҳар бир нарсада фақирдир, унинг дўстлиги Ягона Аллоҳ биландир, унинг бегоналиги Роббисидан тўсадиган кишидандир. Ўша киши илми кўпайса, ҳужжатни асослашдан хавфсирайди, қилган яхши иши қабул қилинмаслигидан қўрқувчидир. Ўша киши Куръон ҳамда суннат билан ахлоқланишга буюрил-

ган нарсани йўқотиб қўймаслик учун Аллоҳ таоло каломни тиловатидан Роббиси ҳақида билишни ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам суннатларини ўқишдан эса, фикҳни ўрганишни кўзлайди. Ўша киши дунёнинг шуҳрати борасида дунё аҳли билан баҳслашмайди ва дунё хорлигидан хавфсирамайди, ер юзида сакинат ва виқор билан шошмай юради ва унинг қалби доим тушуниш ва мулоҳаза билан банд бўлади.

Агар ўша кишининг қалби Аллоҳни зикр қилишдан тўхтаеса, унинг наздида катта мусибат ва Аллоҳ таолога тушуниш ҳузурисиз итоат этса, унинг наздида аниқ талофатдир.

Аллоҳ ўша кишини зикр қилувчилар билан бирга зикр қилади ва ғофил кимсалар эса, уни эъзозлай бошлайди.

Ўша киши ўзини даволовчи, ҳар бир ҳолатда ўз нафсини тергаб турувчи олимдир. Унинг илмлар кўпайса, қалбида тушунишлар жамланиб боради ва ал-Ҳай ал-Қоййум бўлган Аллоҳ таолодан ҳаё қилади. Унинг барча саъй-ҳаракатида Аллоҳ таоло билан бандлиги доимий ва Ундан бошқалар билан бандлиги ажралгандир.

Агар кимдир “Сен таърифлаган ва васф қилган сифатга эга олимлар ҳақида Қуръон ва суннатда асос борми?”, – деб сўраса, унга шундай жавоб берилади: Ҳа! Аллоҳ азза ва жалла хоҳласа, баён этган нарсаларимизга далилларни келтириб ўтамиз. Аллоҳ таоло марҳамат қилган:

إِنَّ الَّذِينَ أُوتُوا الْعِلْمَ مِنْ قَبْلِهِ إِذَا يُنْتَلَىٰ عَلَيْهِمْ يَكِرْتُونَ  
لِلَّذِقَانِ سُجَّدًا. وَيَقُولُونَ سُبْحَانَ رَبِّنَا إِنْ كَانَ وَعْدُ رَبِّنَا  
لَمَفْعُولًا. وَيَكِرْتُونَ لِلَّذِقَانِ يَبْكَونَ وَيَزِيدُهُمْ خُشُوعًا.

“Илгари илм (Таврот) берилган кишилар (Қуръон) тиловат қилинган вақтида, сажда қилган ҳолларида ияк (юз)лари билан йиқилурлар”. Шунингдек, улар: “Раббимизга тасбиҳ айтамиз-ки, бешак Раббимизнинг (“Мен сўнги пайғамбаримни юборурман ва унга Қуръон нозил қилурман” деган) ваъдаси адо этилувчи ваъда бўлди”, – дейдилар. Улар, йиғлаган ҳолларида, юзлари билан йиқилурлар ва (Қуръон) уларнинг камтарликларини зиёда қилур. (Исро сураси, 10-109-оятлар).

Аллоҳ сени раҳмат қилсин! Сен Аллоҳ ва олимлар ўртасидаги нарсада йиғлаш, қўрқинч, тоат ва тиз чўкиб сажда қилиш билан олимлар қандай таърифланганини кўрганмисан?

44. Мисъ ар-раҳимахуллоҳдан ривоят қилинади: Мен Абдулаъло ат-Таймийнинг шундай деганини эшитганман: “Кимга уни йиғлатмайдиган илм ато қилинса, ўша киши унга манфаат берадиган илм ато қилинишга лойиқ бўлмабди. Чунки, Аллоҳ таоло олимларни сифатлаган, деб туриб, юқоридаги “Исро” сурасидаги оятларни ўқиганлар.

45. Абдуллоҳ ибн Масъуд разийаллоҳу анҳу: “Икки нарсага қизиққан одам тўймайди: илм эгаси ва дунё эгаси. Улар тенг эмас. Аммо, илм эгаси, Аллоҳ рози-

лигида зиёда бўлади. Аммо, дунё эгаси, туғёнда зиёда бўлади”, деганлар.

Абдуллоҳ ибн Масъуд разийаллоҳу анҳу юқоридаги гапларига қуйидаги икки оятни далил қилиб келтирганлар:

إِنَّمَا يَخْشَى اللَّهَ مِنْ عِبَادِهِ الْعُلَمَاءُ

“Бандалари орасида Аллоҳдан уламоларгина қўрқарлар”.

كَلَّا إِنَّ الْإِنْسَانَ لِرَبِّهِ لَكَا فَاخٍ . أَن رَّآهُ اسْتَغْنَى

“Дарҳақиқат, инсон ҳаддидан ошар. (Бунга) сабаб ўзини бой – беҳожат санашидир”.

46. Матар ал-Варроқ раҳимаҳуллоҳ: Аллоҳ азза ва жалланинг “Кимга (мазкур) ҳикмат берилган бўлса, демак, унга кўп яхшилик берилибди” (Бақара сураси, 269-оят) деган оятини: “Ҳикмат бу ерда Аллоҳдан қўрқиш ва уни билишдир”, деганлар.

47. Масруқ раҳимаҳуллоҳ: “Кишига Аллоҳдан қўрқадиган даражадаги илм етарли ва кишига ўз илми билан ажабланадиган жоҳиллик етарлидир”, деганлар.

48. Авзой раҳимаҳуллоҳ Яҳё ибн Абу Касир раҳматуллоҳи алайҳининг: “Олим бу – Аллоҳдан қўрқувчидир. Аллоҳдан қўрқиш эса диёнатлиликдир”, деганларини ривоят қилиб қолдирганлар.

49. Ҳаммод ибн Зайд раҳимаҳуллоҳ Аюб ас-Сахтиёний раҳматуллоҳи алайҳининг: “Аллоҳ азза ва жаллага тавозеъ қилган ҳолда олим одам ўз бошига

кулни қўйилишига ҳам рози бўлмоғи керак”, деганларини эшитдим, деганлар.

50. Ҳасан ал-Басрий раҳимаҳуллоҳ: “Агар киши илм ўрганаётган пайтда илмни ўзининг итоати, кўзи, тили, қўли ва зухдида кўринишини кечиктирмай тўғри қилса ва киши илм бобларидан бирини ўрганаётганда унга амал қилса, унинг учун бу дунё ва ундаги нарсалардан яхшироқ бўлади. Гарчи, ўша ишларини дунёда қилган бўлса ҳам, у охират учун, деб ҳисобга олинади”, деганлар.

51. Муҳаммад ибн Маймунал-Хайёт раҳимаҳуллоҳ Ибн Уяйна раҳматуллоҳи алайҳининг: “Кундузим аҳмоқнинг кундузи ва кечам жохилнинг кечаси бўлганида, ёзган илмим билан нима қиламан?!”, деганларини эшитганини айтганлар.

52. Али ибн Абу Толиб разийаллоҳу анҳу: “Фақиҳликка лойиқ олим тўғрисида сизларга айтиб берайми? У шундай кишики, одамларни Аллоҳ раҳматидан ноумид қилмайди, Аллоҳга осий бўлишда уларга ижозат бермайди, уларни Аллоҳга нисбатан ёлғон нарсага ишонтирмайди, Қуръонни бошқа нарса сабабли тарк этмайди. Ибодатда яхшилик йўқ, агар унда фақиҳлик бўлмаса! Фақиҳликда яхшилик йўқ, агар унда тушуниш бўлмаса! Қироатда яхшилик йўқ, агар унда тадаббур-мулоҳаза бўлмаса!”, деганлар.

53. Матор ал-Варроқ раҳимаҳуллоҳдан ривоят қилинади: “Мен Ҳасан ал-Басрий раҳимаҳуллоҳдан бир масала ҳақида сўрадим. У ўша масала ҳақида гапирди. Шунда мен: “Эй, Саъиднинг отаси, фақиҳлар

сизга қаршилиқ қиладилар ва муҳолиф бўладилар”, дедим. У зот эса: “Онанг сени йўқотсин, Матор. Сен мутлақ фақиҳни кўрганмисан? Сен фақиҳ кимлигини биласанми? Фақиҳ бу – диёнатли зоҳид кишидир. Яъни, ўзидан паст киши устидан кулмайди, ўзидан юқори турадиган кишини сўкмайди, Аллоҳ ўргатган илмни инсонлар орасида обрў топиш учун ўрганмайди”, дедилар.

54. Умрон ал-Мунқарий раҳимаҳуллоҳ: “Бир куни мен Ҳасан ал-Басрий раҳимаҳуллоҳга бир нарса ҳақида айтдим. Ҳасан Басрий раҳимаҳуллоҳ ўша нарсанинг ҳукмини айтиб бердилар. Шунда, мен: “Эй, Саъиднинг отаси! Фақиҳлар унақа демайдилар-ку!”, дедим. У зот: “Сени қара-ю! Ўзингни мутлақ фақиҳ деб биласанми? Фақиҳ бу дунёда зоҳид, охират учун рағбатли, динидаги ишларда зийрак ва Аллоҳ азза ва жаллага ибодатларида қунт кўрсатувчидир”, дедилар.

55. Ваҳб ибн Мунаббих раҳимаҳуллоҳ ривоят қилади: Ибн Аббос разиаллоҳу анху Бани Саҳм мавзесида бўлаётган мажлис ҳақида хабар қилинди. У ерда қурайшлик одамлар ўтириб, ўзаро тортишаётгандилар. Уларнинг овозлари кўтарилаётганди. Ибн Аббос разийаллоҳу анху: “Бизни уларнинг олдига олиб бор” дедилар. Биз у ерга етиб бордик. Ибн Аббос разийаллоҳу анху: “Айюб алайҳиссалом гаплашган йигитнинг гапини уларга айтиб беринг”, дедилар. Ўша йигит бундай деганди:

“Эй, Айюб! Аллоҳнинг улуғворлиги ва ўлимни эслашда тилингни чарчатадиган, қалбингни кеса-



диган ва хужжатингни синдирадиган нима бор?! Эй, Айюб! Биласанми, Аллоҳнинг шундай бандалари бор: уларни дудуқлик ва карлик эмас, Аллоҳдан қўрқиш гапирмасликка мажбур қилади. Албатта, улар Аллоҳни ва унинг оятларини билувчи камтар, фасих (чиройли гапирадиган), эркин, доно ва олимдирлар. Аммо, қачонки улар Аллоҳ азаматини зикр қилганларида, Ундан қўрққанидан ва Унинг улуғлигидан қалблари кесилади, тиллари чарчайди, ақллари ва етукликлари нодон бўлади. Ўша ҳолатдан ўзларига келганларида, Аллоҳ азза ва жаллага яхши амалларни бажаришлик билан шошиладилар, Аллоҳ учун кўп(яъни, унга қиладиган ибодатлар)ни ортиқ даражада, деб ҳисобламайдилар, Аллоҳга озгина амал қилишга рози бўлмайдилар, ўзларини гуноҳқор золимлар қаторида санайдилар, ваҳоланки, улар ҳимматли кишидирлар. Улар ўзларини ожиз, исроф қилувчилар қаторида санайдилар, ваҳоланки, улар кучлидирлар. Улар озгин бўлиб, жоҳил киши уларни кўрганда “касал” дейди, ваҳоланки, улар касал эмаслар. Улар чалкаштирилса, қавмга катта иш кўшилади”.

Бу хабарлар биз васф қилган олимлар ва фақиҳларга далолат қилади.

Агар бирор одам: “Нима учун олимларни кучли қўрқинч қамраб олади, улар ўз илмларидан жуда қаттиқ қўрқадилар. Бунинг сабаби нима?”, деса унга айтилади:

“Аллоҳ азза ва жалла улардан илмида амал қилмаганлари ҳақида сўрашини биладилар. Аллоҳ ро-

зилигини ўз олдиларига мақсад қиладилар, ўзларига жуда эҳтиёткорликни лозим тутадилар. Ҳар бир ишларида илмни ишончли олимлардан оладилар”.

Агар яна биров: “Олимлар илми билан амал қилганлари ҳақида сўралишларини биладиларми?”, деса, “Ҳа” деб жавоб қилинади. “Унга мисол келтир”, деса, “Олим илмни эшитганда ғафлатидан уйғонади, эслатилган ахлоқлардан заруратини ўзига олади”, деймиз.

Аллоҳга қасамки, у бизга тавфиқ берувчидир. ИншаАллох, шундай!



## АЛЛОҲНИНГ АҲЛИ ИЛМДАН ЎРГАНГАН ИЛМЛАРИНИ НИМАГА ИШЛАТГАНЛАРИ ҲАҚИДА СЎРАШИ

عن معاذ بن جبل رضي الله تعالى عنه قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «لا تزول قدما عبد يوم القيامة حتى يسأل عن أربع خصال: عن عمره فيما أفناه، وعن شبابه فيما أبلاه، وعن ماله: من أين اكتسبه، وفيما أنفقه، وعن علمه ماذا عمل فيه».

56. Муоз ибн Жабал разийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қилганлар: “Қиёмат кунида бандадан тўрт хислат ҳақида сўралмагунча, қадам боса олмайди: банданинг умрини йўқотгани, ёшлигини қаерда фойдалангани, молини қаердан топгани ҳамда уни исроф қилгани ва олган илмига амал қилгани”.

عن أبي برزة قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «لَا تَزُولُ قَدَمًا عَبْدٌ يَوْمَ الْقِيَامَةِ حَتَّى يُسْأَلَ عَنْ أَرْبَعِ عُمُرِهِ فِيمَا أَقْنَاهُ وَعَنْ عِلْمِهِ مَاذَا عَمِلَ فِيهِ...».

57. Абу Барза разийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Қиёмат кунида банда умрини нимага сарфлагани ва илмига амал қилган-қилмагани каби тўрт хислат ҳақида сўралмагунча, қадам боса олмайди”, дедилар.

عَنْ ابْنِ مَسْعُودٍ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا تَزُولُ قَدَمُ ابْنِ آدَمَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ مِنْ عِنْدِ رَبِّهِ حَتَّى يُسْأَلَ عَنْ خَمْسٍ عَنْ عُمُرِهِ فِيمَ أَقْنَاهُ وَعَنْ شَبَابِهِ فِيمَ أَبْلَاهُ وَمَالِهِ مِنْ أَيْنَ اكْتَسَبَهُ وَفِيمَ أَنْفَقَهُ وَمَاذَا عَمِلَ فِيمَا عِلِمَ».

58. Ибн Масъуд разийаллоху анхудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “Қиёмат кунида одам боласи беш хислат ҳақида сўралмагунча, икки қадамини боса олмайди: умрингни нимага йўқотганинг, ёшлигингни охиригача фойдаланганинг, молингни қаердан топганинг ва уни исроф қилганинг ва илмингга амал қилганинг”, деб марҳамат қилдилар.

59. Абдуллоҳ ибн Укайм разийаллоху анхудан ривоят қилинади: Ибн Масъуд разийаллоху анхудан ушбу масжидда, яъни Кўфа масжидида бизга гапиршидан олдин ўнг томонга қараб олиб, буларни гапириб берди:

“Аллоҳга қасамки, сизлардан бирингиз ойдигунда ой билан ёлғиз қолиши каби банданинг Роббиси ўша банда билан ёлғиз қолади. Кейин Парвардигор уч марта: “Эй, Одам боласи! Нима сени Мендан адаштирди? Пайғамбарларга нима жавоб қилдинг? Билган илмингга қандай амал қилдинг?”, дейди.

60. Абу Дардо разийаллоху анху: “Ҳисобга дуч келганимда, “Билдингми, нима учун билган нарсангга амал қилмадинг?!” дейилишдан хавотир олаётганим мени қўрқитяпти”, деганлар.

61. Абу Дардо разийаллоху анху: “Олим илми билан амал қилмагунча, олим ҳисобланмайди!”, деганлар.

62. Ато разийаллоху анхудан ривоят қилинади: “Бир ёш йигит мўминлар онаси Ойша разийаллоху анҳонинг ҳузурларига тез-тез бориб, савол сўраб ва Уммул мўминин эса унга ҳадис айтиб берарди. Бир куни ўша йигит келиб, Уммул мўмининдан савол сўраганда: “Эй, ўғлим! Олдинги эшитганларингга амал қилдингми?”, дедилар. У: “Онажон, Аллоҳга қасамки, йўқ, амал қилолмадим”, деди. Уммул мўминин: “Эй ўғлим, нима учун Аллоҳнинг бизга ва ўзингга қарши ҳужжатларини кўпайтиряпсан?”, дедилар.

63. Абу Дардо разийаллоху анху: “Билмаганга бир вой бўлсин! Билиб туриб, амал қилмаганга эса, етти вой бўлсин!”, деганлар.

Ким буни тафаккур қилса, илми ўз зарарига бўлиб қолишидан қўрқади. Қачонки, ундан қўрқса, ўзидан нафратланиб кетади. Биз келтирган гўзал ахлоқлар билан тузалиш йўлига ўтади.

Аллоҳ бизни ва сизларни гап ва амалда тўғри йўлга бошловчидир!

## ИЛМИ БИЛАН АЛДАНИБ ҚОЛГАН ЖОҲИЛ ОЛИМНИНГ АХЛОҚИ

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам, у зотнинг саҳобалари ва мусулмонлар имомларидан олимларнинг сифатлари тўғрисида хабарлар етиб келган. Яъни, илмни фахр, баҳс, тортишув, бойларнинг молини ейиш, подшоҳлар ва уларнинг ўғиллари билан ўтириш, дунёга эришиш учун ўрганган олимларга Аллоҳ таоло илм билан манфаат бермаган. Ундайлар ўзини олимлардан ҳисоблайди, аммо ахлоқи жафо ва жаҳл аҳлиники, барча мафтун бўлганлар учун у бир фитнадир. Унинг сўзлари олимларнинг гаплари бўлса-да, аммо амали ахлоқларникидир. Агар сўровчи: “Бизни огоҳлантирган нарсадан сақланишимиз учун ўша ҳолатлар ҳақида хабар беринг”, дейилса, “Ҳа, Аллоҳ хоҳласа”, деб жавоб берилади.

عَنْ ابْنِ عُمَرَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ تَعَلَّمَ عِلْمًا لِعَيْرِ اللَّهِ أَوْ أَرَادَ بِهِ غَيْرَ اللَّهِ فَلْيَتَّبِعُوا مَفْعَدَهُ مِنَ النَّارِ».

64. Ибн Умар разийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ким Аллоҳдан ўзга учун илм ўрганса ёки илм билан Аллоҳ ризосидан бошқасини хоҳласа, дўзахдан жойини тайёрласин!”, деганлар.

جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ:

« لَا تَعْلَمُوا الْعِلْمَ لِيُبَاهُوا بِهِ الْعُلَمَاءَ، وَلَا لِيُتَمَارُوا بِهِ السُّفَهَاءَ، وَلَا لِتُجْتَرُوا بِهِ الْمَجَالِسَ، فَمَنْ فَعَلَ ذَلِكَ فَالِنَارِ النَّارُ. »

65. Жобир разийаллоху анхудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: “Илмни олимларга у билан мақтаниш, аҳмоқлар билан баҳслашиш ва мажлисларда рақобатлашиш учун ўрганманглар. Кимки шундай қилса, дўзах, дўзах!”, деганлар.

عبد الله ابن كعب بن مالك عن أبيه قال: سمعتُ رسولَ الله صَلَّى اللهُ عليه وسلَّمَ يقولُ: «مَنْ طَلَبَ الْعِلْمَ لِيُجَارِيَ بِهِ الْعُلَمَاءَ وَيُمَارِيَ بِهِ السُّفَهَاءَ وَيَصْرِفَ بِهِ وُجُوهَ النَّاسِ إِلَيْهِ أَدْخَلَهُ اللهُ النَّارَ»

66. Каъб ибн Молик разийаллоху анху Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг бундай деяётганларини эшитганман деганлар:

“Кимки илмни олимлар билан рақобатлашиш, аҳмоқлар билан баҳслашиш ва одамларга сотиш учун ўрганса, Аллоҳ уни дўзахга киритади!”.

عن أبي هريرة رضي الله عنه قال: قال رسول الله صَلَّى اللهُ عليه وسلَّمَ: «إِنَّ أَشَدَّ النَّاسِ عَذَابًا يَوْمَ الْقِيَامَةِ عَالِمٌ لَمْ يَنْفَعَهُ عِلْمُهُ». »

67. Абу Хурайра разийаллоху анхудан ривоят қилинган. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам:



“Қиёмат кунда одамларнинг энг азобланадигани илми манфаат бермаган олимдир”, деганлар.

عن أبي هريرة رضي الله عنه قال: سمعت رسول الله صلى الله عليه وسلم يقول: «إِنَّ أَشَدَّ النَّاسِ عَذَابًا يَوْمَ الْقِيَامَةِ عَالِمٌ لَمْ يَنْفَعَهُ عِلْمُهُ».

68. Абу Ҳурайра разийаллоҳу анҳудан ривоят қилинган. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Қиёмат кунда одамларнинг энг азобланадигани бу илми манфаат бермаган олимдир!”, деганлар.

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «يَكُونُ فِي آخِرِ الزَّمَانِ عِبَادٌ جُهَالٌ، وَعُلَمَاءٌ فُسَاقٌ».

69. Анас разийаллоҳу анҳудан ривоят қилинган. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Охирзамонда жоҳил бандалар ва фосиқ (гунокор) олимлар (кўп) бўлади”, деганлар.

70. Суфён Саврий разийаллоҳу анҳу: “Аллоҳдан жоҳил бандаларнинг ва фожир олимларнинг фитнасидан сақлашни сўранглар. Чунки, уларнинг фитнаси уларга эргашган барча одамларнинг фитнасидир”, деганлар.

71. Абдурахмон ибн Язид ибн Жобир раҳимахуллоҳдан ривоят қилинган. У мен Макхул раҳимахуллоҳнингбундай деганларини эшитганман, дейди:

“Одамларга ваъда қилинган нарса (қиёмат) то уларнинг олими инсонлар орасида ўлимтик эшакдан кўра ҳам сассиқроқ бўлмагунча келмайди!”.

72. Валид ибн Мазид раҳимахуллоҳдан ривоят қилинган. Имом ал-Авзойи раҳмагуллоҳи алайҳининг бундай деганларини эшитганман:

“Ибодатсиз фақиҳларга ва шубҳалар билан ҳаромларни ҳалоллайдиганларга вой бўлсин!”.

73. Ваҳб ибн Мунаббиҳ разийаллоҳу анҳудан ривоят қилинган:

Аллоҳ азза ва жалла Бани Исроил руҳонийларига танбеҳ бериб, “Диндан бошқа нарса учун фақиҳ бўлдингизлар, амал қилмаслик учун илм ўргандингизлар, дунёни охират амали билан сотдингизлар. Қўй терисини кийиб олиб, бўридек қалбингизни яшириб келдингизлар. Шаробларингиздан тақво истадингиз, ҳаромлардан тоғдек лукмаларни ҳам ютиб юбордингиз, одамларнинг устига “Мана шу – дин!”, деб тоғдек юкларни солдингиз. Ибодатларингизни узундан узоқ қилдингиз. Оппоқ кийимлар кийиб олдингиз. Етим ва бедваларнинг молини едингиз. Иззатимга қасам ичдим, сизларга шундай фитнани соламан. У билан фикрли инсоннинг раъйи ҳам, ҳаким кимсанинг ҳикматлари ҳам адашиб кетади”.

74. Фузайл ибн Иёз раҳимахуллоҳ айтади:

“Олимлар икки хил бўлади: дин олими ва дунё олими. Дунё олимининг илми тарқатилган ва охират олими илми эса яширингандир. Охират олимига эргашиглар ва дунё олимидан эҳтиёт бўлинглар.

Сизларни олимнинг ёмонлиги (Аллоҳга тоат қилишдан) тўсиб қўймасин”.

Кейин бу оятни тиловат қилдилар:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِنَّ كَثِيرًا مِّنَ الْأَخْبَارِ وَالرُّهْبَانِ لَيَأْكُلُونَ  
أَمْوَالَ النَّاسِ بِالْبَاطِلِ وَيَصُدُّونَ عَن سَبِيلِ اللَّهِ.

“Эй, имон келтирганлар! (Аҳли китоблар ичидаги) руҳоний ва роҳибларнинг кўпчилиги одамларнинг молларини ноҳақлик билан ейдилар ва (одамларни) Аллоҳ йўлидан тўсадилар” (Тавба сураси, 34-оят).

Руҳонийлар олимлардир, роҳиблар эса обидлардир. Олимларингиз кўпчилигининг кўриниши Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кўра Кисро ва Қайсарнинг кўринишига ўхшайди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам хом ғишт устига хом ғиштни, қамиш устига қамиш қўймаган (яъни, баланд уйлар қурмаганлар). Лекин, у зотдан илм-ирфон тарқаган, у зот фақат илмга энг шимарганлар.

Олимлар кўп, ҳакимлар кам. “Кимга ҳикмат ато этилган бўлса, унга кўплаб яхшилик ато қилинибди”, деган мазмундаги оятдаги илмдан мақсад ҳикмат назарда тутилган.

“Фақиҳлар кўп, ҳакимлар кам”, деган гапнинг маъноси дунёдан илмини кўриқлайдиган ва илми билан охиратни излайдиган олимлар кам. Ўз илмига алданган олимлар кўпдир. Ҳакимлар камдир.

Илми билан охиратни талаб қиладиган киши қандай азиз!

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ تَعَلَّمَ عِلْمًا مِمَّا يَبْتَغَى بِهِ وَجْهَ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ لَا يَتَعَلَّمُهُ إِلَّا لِيُصِيبَ بِهِ عَرَضًا مِنَ الدُّنْيَا لَمْ يَجِدْ عَرَفَ الْجَنَّةِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ».

75. Абу Хурайра разийаллоҳу анҳудан ривоят қилинган. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ким илм ўрганса, Аллоҳ учун ўрганиши зарур. Ким дунёдан нимагадир эришиш учун илмни ўрганса, қиёмат куни жаннат ҳидини ҳаргиз топмайди”, деб марҳамат қилдилар.

76. Абдуллоҳ ибн Масъуд разийаллоҳу анҳу бундай деганлар:

“Илм аҳли илмни ҳимоя қилсалар ва уни ўз аҳлига тақдим қилсалар, бу билан замондошларини бахтли қилган бўладилар. Аммо, улар дунё аҳлининг бойлигига эришиш учун илмни уларга исроф қилиб, ўз аҳлларига хиёнат қиладилар. Набийингиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бундай деганларини эшитганман: “Ким мақсадларни ягона – охирати учун қилса, Аллоҳ унга дунёдаги мақсадини ҳам таъминлайди. Кимни дунёвий мақсадлари қамраб олса, Аллоҳ унга дунёнинг қайси водийсида бўлса ҳам эътибор қилмай ҳалок қилади”.

77. Ваҳб ибн Мунаббих раҳимаҳуллоҳдан ривоят қилинган. У Ато ал-Хуросоний раҳматуллоҳи алай-

хига бундай деган эканлар: “Биздан олдинги олимлар илмлари билан ўзларидан бошқанинг дунёсига хожатсиз бўлганлар. Шунинг учун улар бошқаларнинг дунёсига эътиборни қаратмаганлар. Дунё аҳли эса ўша олимлар илмини хоҳлаб, уларга дунёларини сарфлаганлар. Бугунги кунда биздан бўлган илм аҳли дунёдорларнинг дунёсини хоҳлаб, ўз илмларини дунё аҳли учун сарфлайдиган бўлдилар. Дунёдорлар эса, уларнинг илмидан аллақачон воз кечиб бўлдилар. Чунки, улар олимлардаги илм ўрнини нотўғри ҳисобладилар. Сен бу ҳолатдан ва улар эшикларидан сақлан. Чунки, уларнинг эшикларида фитналар бор бўлиб, худди туяларнинг қўтонлари каби (хавfli)дир. Улар сенинг динингдан олганлари миқдорича, сен уларнинг дунёсидан нарса ололмайсан”.

Ўша замонда олимларга дунё йўлдан уриши хавф солган бўлса, бизнинг бу замонимиз ҳақида фикринг қандай? Аллоҳ ёрдам сўралгувчидир!

Олимларни қамраб олган фитналар қандай ҳам катта! Олимлар бу ҳақида ғафлатдадир.

78. Ҳишом ад-Дастувойй раҳимахуллоҳдан ривоят қилинган: “Менга етиб келган бир китобда, Исо ибн Марям алайҳиссаломнинг ушбу сўзини ўқиб қолдим: “Кимдир ўз ризқидан ғазабланадиган ва ўз манзилидан ҳазар қиладиган бўлса, уни қандай қилиб, аҳли илм дейиш мумкин?! Албатта, унинг ризқи ҳам, қудрати ҳам Аллоҳнинг илми ва қудратидан эканини билади-ку! Аллоҳни қазосида айблайдиган ва у берган нарсага қаноат қилмайдиган

кимса қандай қилиб аҳли илм бўлади?! Йўли охиратга бўла туриб, дунёга юзланувчи кимса қандай қилиб аҳли илм бўлади?! Дунёсини охиратидан ортиқ кўрувчи кимса қандай қилиб аҳли илм бўлади?! Холбуки, дунёсида энг афзал хоҳиш охиратдаги ризолик бўлиши керак-ку! Илмни амал қилиш мақсадида эмас, баҳслашиш учун ўрганадиган кимса қандай қилиб аҳли илм бўлади?!

79. Фузайл ибн Иёз раҳимаҳуллоҳ айтади:

“Аллоҳ азза ва жалла тавозели олимни яхши кўради ва золим олимдан нафратланади. Ким Аллоҳ учун тавозели бўлса, Аллоҳ унга ҳикматни пайдо қилади”.

80. Молик ибн Динор раҳимаҳуллоҳ айтади:

“Сизлар ранг-баранг замондасиз. Замонингизни зийрак кўрувчигина тушунади. Сизлар кеккайишлар замонидасиз. Одамларнинг оғизларидаги тиллари кеккайган, холос. Улар охират амали билан дунёни талаб қилганлар бўлиб, ўзларингизни улардан сақланглар. Сизлар улар ўзларининг тўрлари домига сизларни ҳам тушуришликларидан огоҳ бўлинглар.

Эй, олим! Сен илминг билан ейдигансан, илминг билан фахрланадигансан, илминг билан кўпайтирадигансан ва илминг билан узундан-узоқ орзуларингни амалга оширадигансан. Агар бу илмни Аллоҳ учун ўрганган бўлсанг, ўйлайманки, ўша (илм) сенда ва амалингда мавжуд бўлади”.

Агар бир киши: “Бизга илми ўзларига қарши ҳужжат бўладиган олимлар хулқларини тасвир-

лаб бер. Қачонки, бир киши илми билан машхур бўлса, унинг зоҳирий ахлоқиға эътибор берайлик. Агар ўша кишида илм аҳлиға хос бўлган фазилатни кўрмасак, ундан ўзимизни олиб қочайлик. Агарда ўша кишининг зоҳирий ахлоқи пасткашлиқдан-да ёмонроқ хулқларни яширганини ва унинг фитна эканини билсак, ундан ўзимизни олиб қочайлик. Шоядки, улар фитна қилганлари каби биз ҳам фитнаға гирифтор бўлиб қолмайлик! Аллоҳ таоло бизларни тўғри йўлга муваффақ қилгувчидир!”, деса, унга бундай деб жавоб берилади:

“Ҳа, тўғри! Биз юқоридаги олим ахлоқларини кўз олдимизға келтирамиз. Агар илм билан танилган кишида ёмон хулқлар борлиғи эшитилса, ўша кишининг ўзига қараб, унинг иши диққат билан кузатилади. Мабодо ёқимсиз хулқлардан бири ўша кишида мавжуд бўлса, у Аллоҳға тавба қилиши ва тезда ёмон хулқларидан афзалроқ бўлган, Аллоҳ таолоға уни яқин қиладиган хулққа қайтиши ҳамда Аллоҳ таолодан узоқлаштирадиган хулқдан воз кечиши лозим.

Илми ўзига қарши ҳужжат бўладиган олимнинг илм ўрганишидаги сифати шуки, у илмни билмасдан (илм соҳасига тасодифан кириб қолиб) ва ғафлат босган ҳолда ўрганади. Қачонки, у илм ўрганса, илмға нисбатан қизиқиши баланд бўлмайди. Агар “Бу қандай бўлади?”, – деб сўраса, бундай жавоб берамиз: “Унинг илм ўрганишидан мақсади фарз қилинган илм, яъни фарзларни адо қилишда Аллоҳға қандай ибодат қилишни ва ҳаром ишлар-



дан қандай тийилишни ўрганиш бўлмайди. Қачонки, унинг илм ўрганишдан мақсади ўзини илм ўрганувчи сифатида кўпроқ танитиш бўлса, у мақсадига етиши мумкин. Агар у шу мақсадига эришса, ўз-ўзига таълим беради (ҳақиқий шогирд бўлмайди). Қачонки, инсонлар ўртасида шуҳрат топиш учун ҳар бир илмни эшитса ёки ёд олса, унга шошилади ва уни ўрганишда шахдам бўлади, енгил йўл билан уни эгаллашга интилади. Ўша кишига ўзи ва Роббиси ўртасида билиши лозим бўлган илмни ўрганиши ва билганига амал қилиши эса малол келади, ўша илмга ниҳоят даражада муҳтож бўлишига қарамасдан уни диққат билан ўрганишни тарк қилади.

Гарчи ўша киши илм ўрганишни хоҳлаб, ҳаттоки, ўзига илмни эшитишда жидду-жаҳд қилишни шарт қилган бўлса-да, унга илмни эшитиши учун ўтказган вақти малол келади. Қачонки, ўша киши илм эшитса, олган илмига хиёнат қилиб, унга амал қилишни тарк этади ва амал қилиш шарт бўлган нарсани ўзига лозим тутмайди. Эшитиш лозим бўлганидек, амал қилиш ҳам лозимлигини тушунмайди. Ушбу ҳолат катта ғафлатдир. Агар ўша киши илмдан бирор нимани эшитишни ўтказиб юборса, уни ўша ҳолат қайғуга солади ва уни ўтказиб юборганига афсус қилади. Бироқ, бу унинг яхшилигига аломат эмас. Чунки, ўша кишининг ўзи эшитиб, унга риоя этишга ҳужжат бўладиган илмга амал қилмагани учун афсус чекиши афзалроқ бўларди. Ушбу ҳолат ўша кишини қайғуга солса ва ундан ўзи афсусланса, мана шу афзалроқ бўлади.

Ундай киши риё учун фақиҳ бўлади ва шубҳа учун баҳслашади. Шунингдек, ўша кишининг илмдаги мунозораси унга гуноҳ келтиради. Мунозарасида, эса балоғатни билишини кўрсатиш ва баҳслашаётган кишини адаштириш мақсад қилинади. Агар ўша киши билан мунозара қилаётган шахс ҳақ бўлса, шу ҳолат уни хафа қилади. Шайтонни хурсанд қиладиган нарса уни севинтиради. У шу нарса учун зўр бериб ҳаракат қилади. Раҳмон яхши кўрган нарсани ўша киши ёмон кўради. Ўша кишининг ўзи ҳужжатлашишда адолатсиз бўлган ҳолда мунозарада инсоф қилмаган кимсadan таажжубланади. Ўша киши хато қилаётганини билгани ҳолда хатосини асослаш учун ҳужжат келтиради ва у ўз хатоси туфайли айбланишидан кўрқиб, уни тан олмайди.

У яхши кўрган кишисига енгил фатво ва ёмон кўрган инсонига қийин фатво беради. Шунингдек, яхши кўрган кишисига ҳукм ва фатво беришга эҳтиёжи туғилса, баъзи қарашларни ёмонлаб, яхши кўрган кишисини ёмонланган қарашга далолат қилади ҳамда йўлланган киши эса, унга амал қилади.

Ким илм ўрганмоқчи бўлса-ю, ҳиммати дунё манфаатларига етиш бўлса, ундай одамдан таълим олишдан кўрқиниб керак. Агарда ўрганувчидан унга дунё манфаатлари эмас, балки охират манфаатларигина тегадиган бўлса, ундай кимса ўша ўрганувчига таълим беришдан малолат сезади.

Гарчи ушбу киши ўрганган илмига амал қилма-са-да, у учун савоб умид қилади ва амал қилин-

маган илм ҳақида сўралиш оқибати ёмонлигидан қўрқмайди. У софдил кишилар ҳақида ўзича ёмон гумон қилиб, уларга нисбатан нафрати эвазига Аллоҳнинг мукафотини умид қилади. У ёмонотлиқ қилувчиларга хушомадгўйлиги учун Аллоҳнинг ғазабидан қўрқмайди. У ҳикматли гапириб, ўзини ҳам “ҳикмат аҳли”дан деб гумон қилади ва аксинча ўша ҳикматга амал қилишни тарк қилганлиги ўзининг зарарига жуда катта ҳужжат бўлишидан қўрқмайди. Агар илм ўрганса, у мақтаниш ва иккиюзламачиликда кучайиб боради. Агар унинг илмий маърифатга эҳтиёжи пайдо бўлса, илмни дарҳол тарк этиб қўя қолади.

Агар ушбу кишига замондош илм билан танилган олимлар кўп бўлса, у ўшалар қаторида ўзининг эсланишини яхши кўради. Олимлар бир масала ҳақида сўралганларида ўша киши сўралмаса, бошқалар сўралгани каби у ҳам савол сўралишини яхши кўради. Аслида, бошқа шахс томонидан сўралган саволга жавоб берилганда, ўша кишидан масала сўралмагани учун Роббисига ҳамд айтиши унга яхшироқдир.

Агар бошқа бир олимнинг хато қилгани ва бирор офат етгани ҳақида хабар ўша кишига етиб борса, ўзидан бошқанинг хатосидан хурсанд бўлади ва бу ишининг ҳукми хато қилган кишиники билан бир даражада бўлади.

Агар бир олим вафот этса, олимнинг ўлими ўша кишини одамлар унинг илмига эҳтиёжи тушсин учун хурсанд қилади. Агар ўша киши ўзи билмай-

диган нарса ҳақида сўралса, “Мен бу саволнинг жавобини билмайман” дейишдан ҳазар қилади. Ҳаттоки, у жавоб беришга қодир бўлмаса-да, ни-мадир гапиреди. Агар у ўзидан бошқа бир ки-шидан мусулмонлар учун фойда борлигини бил-са, ўша кишининг ҳаётлигидан нафратланади ва инсонларни у томонга йўналтирмайди. Агар ўша киши бир гап айтса-ю, ўша гапига эргашилишни билса ҳамда у туфайли нодон кимсалар ҳузурида унга даража берилса, кейин унинг хато қилгани маълум бўлиб қолса, ўзининг қилган хатосидан қайтишни ор билиб, хатонинг ғалабаси билан ўзи-ни тутиб туради. Кошки, инсонлар ҳузурида унинг даражаси тушса эди!

Ўша киши ўзи амалга оширган таъвил билан под-шоҳлар ва бадавлат шахслардан улушига эришиш учун уларнинг ҳузурида илми билан камтар бўлади. Бойлиги бўлмаган софдил кишилар ва камбағаллар-га нисбатан такаббурлик қилиб, ўзи амалга оширган таъвилга асосланмасдан уларни маҳрум қилади.

Ўша киши ўзини олимлар қаторида санаса ҳам, қиладиган амаллари аҳмоқларнинг ишидир. Мол-дунёга муҳаббат, мақтов, шараф ва давлатманд одамлар ҳузуридаги обрў уни мафтун қилиб қўйган. Гўзал аёл кийим-бош билан дунё учун безангани сингари ўша киши ҳам илм билан безанади. Лекин, илмини унга амал қилиш билан безамайди.

Ким ушбу хислатларни мулоҳаза қилиб, биз кел-тирган нарсалардан баъзиси ўзида борлигини бил-са, унга Аллоҳ таолодан ҳаё қилиши ва тезда ҳақ

йўлга қайтиши шарт бўлади. Энди, Аллоҳ хоҳласа, олим киши одобланиши учун баён этган нарсаларнинг баъзисига далиллар келтираман:

“Ўша киши илм билан безанади ва лекин илмини унга амал қилиш билан беамайди”, деган гапимизга далиллар:

81. Ҳабиб ибн Убайдраҳимаҳуллоҳ айтади:

“Илм ўрганينглар, уни тутинглар ва у билан фойда олинглар. Илм билан безаниш учун уни ўрганманглар. Агар умринг илм билан безалса, худди, бир киши кийими билан безангани каби умринг узун бўладими?!”.

82. Товусраҳимаҳуллоҳ бундай деганлар:

“Нима ўргансанг, ўзинг учун ўрган. Омонат ва ростгўйлик одамлардан аллақачон кетиб бўлган”.

Ким фатво беришни ёқтирмаса, бошқа фатво берувчи борлигини билса, ўша фатво берувчи кифоя қилади.

83. Абдурраҳмон ибн Абу Лайло раҳимаҳуллоҳ айтади:

“Мен Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг 120 нафар ансорий саҳобалари билан учрашдим. Уларнинг биридан бирор нарса ҳақида савол сўралганда, савол сўровчини дўстига йўналтиришни яхши кўрарди”.

84. Суфён ас-Саврий раҳимаҳуллоҳ айтади:

“Мен масалалар ва фатволарга жавоб беришларини ёқтирмайдиган фақиҳларни кўрдим. Улар фатво беришлари зарур, деб топмагунларича, фатво бермасдилар”.

Яна Суфён ас-Саврий раҳимахуллоҳ айтади:

“Олим ва фақиҳларни кўрганман. Улар масалаларни бир-бирига қайтарардилар ва фатволарда жавоб беришларини ёқтирмасдилар. Олимлар фатво сўрашлардан озод қилинсалар, уларга севимли бўларди”.

85. Умайр ибн Саъид раҳимахуллоҳ бундай ҳикоя қилади:

“Мен Алқама раҳматуллоҳи алайҳидан бир нарса ҳақида савол сўраганимда, у менга “Убайданинг олдига бор ва ундан сўра”, дедилар. Мен Убайда раҳимахуллоҳнинг олдига бордим. У эса “Алқамага бор”, – деди.

Шунда мен унга: “У кишининг ўзлари мени сизнинг олдингизга жўнатди”, дедим. Кейин, у менга: “Ундай бўлса, Масруқнинг олдига бор ва ундан сўра”, деди. Мен Масруқ раҳимахуллоҳнинг олдига келдим ва ундан саволимни сўрадим. У эса, “Алқаманинг олдига бор ва ундан сўра”, – деди. Мен: “Алқама мени Убайданинг олдига, Убайда эса, сизнинг олдингизга жўнатди”, – дедим. У зот: “Ундай бўлса, Абдурраҳмон ибн Абу Лайлонинг олдига бора қол”, – дедилар. Кейин мен Абдурраҳмон ибн Абу Лайло раҳматуллоҳи алайҳининг олдига бориб, ундан савол сўрадим. У эса савол беришимни ёқтирмади. Кейин мен яна Алқама раҳимахуллоҳнинг ҳузурларига қайтиб келдим ва у ҳақида гапириб бердим. У зот эса: “Фатво беришга одамларнинг энг журъатлиси илми энг ози-дир!”, дедилар.

86. Суфён ас-Саврий раҳимахуллох: “Ким савол ўзидан сўралишини яхши кўрса, у савол сўралувчи одамлардан эмас!”, деганлар.

87. Абу Ҳамза раҳимахуллохдан ривоят қилинган: “Иброҳим ан-Нахаъий раҳматуллоҳи алайҳи менга: “Аллоҳга қасамки, эй Абу Ҳамза! Мен кўп гапирганман. Агар иложим бўлганда эди, асло гапирмасдим. Кўфа аҳлининг фақиҳи бўлиб танилган замоним энг ёмон даврим эди. Кимдир бир иш ҳақида сўралса, “Бўлиб ўтган иш ҳақидами?”, деб сўрайди. Агар “Бўлиб ўтган иш ҳақида” дейилса, фатво беради. Агар “Бўлмаган иш ҳақида” дейилса, фатво бермайди. Ўша ҳолатларнинг ҳар бири фатволарнинг хавф-хатари борлигидандир”.

88. Хорижа ибн Зайд ибн Собит раҳимахуллохдан ривоят қилинган. У зот бирор нарса ҳақида сўралганда, “Бўлган воқеами?”, деб сўрар эди. Агар унга “Бўлиб ўтмаган иш” десалар, уларга масалани изоҳламаганлар. Агар у зотга сўралаётган воқеа ҳақиқатдан ҳаётда содир бўлгани айтилса, уларга масалани шарҳлаб тушунтирар эдилар.

89. Зайд ибн Собит разийаллоху анхунинг олди-га биров келиб, бир иш ҳақида савол сўради. Зайд ибн Собит разийаллоху анху: “Аллоҳ ҳаққи, айтгин, бу иш бошингга тушганми?”, дедилар. Ўша киши: “Худо ҳаққи, бу иш бошимдан ўтди”, деганди, унга фатво бергандилар. Агар ўша кимса қасам ичмаса, унинг саволига жавоб бермаган бўларди.

90. Масрук раҳимахуллох айтади: “Мен Убай ибн Каъб разийаллоху анху билан кетаётганимда, бир



киши у зотга “Амаки, шундай-шундай саволларим бор. Бунга нима дейсиз?”, деб қолди. Убай ибн Каъб разийаллоҳу анҳу: “Эйжиян, бу айтаётганларинг бўлган воқеами?”, дедилар. У: “Йўқ, бўлмаган” деди. Убай ибн Каъб разийаллоҳу анҳу: “У бўлмагунча, бизни ундан сақла!”, дедилар”.

91. Ибн Рошид раҳимаҳуллоҳ айтади:

“Мен Товусдан бир нарса ҳақида сўрагандим, мени жеркиб бердилар. “Бу бўлган воқеами?”, дедилар. Мен тасдиқ жавобимни қилувдим, менга қасам ичтирдилар. Мен ўша иш бўлиб ўтганига қасам ичдим. Шунда, Товус раҳимаҳуллоҳ: “Устозларимиз бизларга Муоз ибн Жабал разийаллоҳу анҳудан хабар берганлар” дедилар. Муоз ибн Жабал разийаллоҳу анҳу: “Эй, инсонлар! Бало келмасидан олдин уни пайдо қилманглар, акс ҳолда бало сизларни у ер-бу ерда олиб кетади. Агар бало келишидан олдин уни пайдо қилмасангизлар, мусулмонлар орасида савол сўралса, уни тўғрилаб, олдини оладиган йўлбошчилар доим бўлади”, дедилар.

Биз янглишиш ва чигал масалалар ҳақида келтирганларимиз, олим ўзини бўлмаган ва абадий бўлмайдиган нарса ҳақидаги баҳсдан тийиши учун зарур нарсалардир. Баъзилар фақат мунозара, баҳс ва тортишув билан машғул бўладилар, ҳатто, энг муносиб нарса билан шуғулланмай қоладилар. Натижада, бир-бирини адаштирадилар, бир-бирларидан хатони излайдилар ва бир-бирларига савол бергани-берган. Булар барчаси қай-

тарилган макрухдир. Ўз динида манфаат хоҳлаган кимсага бу фойда бермайди ва у салафи солиҳлар томонидан тақдим қилинган йўл эмас. Яъни, салафи солиҳлар бир-бирларини хато қилишини изламаганлар ва уларнинг мақсади бир-бирларини адаштириш бўлмаган. Балки, улар оқил олимлар бўлиб, илмда дўстона маслаҳат суҳбатлашардилар ва Аллоҳ таоло уларга илм билан наф берган.

92. Саъд ибн Абу Ваққос разийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Мусулмонлар орасидаги энг оғир гуноҳкор киши бу – ҳаром қилинмаган иш ҳақида сўраб, шу масаласи сабабли ўша иш ҳаром қилинадиган одамдир”, дедилар.

93. Муғййра ибн Шўъба разийаллоҳу анҳудан ривоят қилинган: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам “деди-деди” деб кўп гапиришдан ва кўп савол сўрашдан қайтардилар.

عَنْ ثَوْبَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ  
 قَالَ: «سَيَكُونُ أَقْوَامٌ مِنْ أُمَّتِي، يَتَعَاطَى فِقَّهُاؤُهُمْ عُضْلَ  
 الْمَسَائِلِ، أَوْلَيْكَ شِرَارُ أُمَّتِي».

94. Савбон разийаллоҳу анҳудан ривоят қилинган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ум-матимдан шундай қавмлар пайдо бўладики, уларнинг олимлари масалаларни чигаллаштириш би-

лан шуғулланадилар. Ана ўшалар умматимнинг энг ёмонларидир”, деганлар.

95. Муовия ибн Абу Суфён разийаллоҳу анҳудан ривоят қилинган. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламчалкаш саволлардан, адаштириш учун берилладиган саволлардан қайтардилар. Чалкаш савол бу – қандай ва қандай дейишга эҳтиёж туғдирмайдиган нарсадир.

96. Ҳасан ал-Басрий раҳимаҳуллоҳ айтадилар: “Аллоҳ бандаларининг энг ёмони бу – ёмон саволларни яхши кўрувчи қавмдир. Аллоҳнинг бандалари у билан кўр бўладилар”.

97. Али ибн Абу Толиб разийаллоҳу анҳу бир куни: “Мендан қизиққан нарсангиз ҳақида сўранг”, дедилар. Ибн ал-Куво деган кимса “Ойдаги қоралик нима?”, – деб сўраганида, Али каррамаллоҳу ваҳҳаҳу: “Сени Аллоҳ яксон қилгур, бу дунёнда ёки охирагинда сенга фойда берадиган нарса ҳақида сўрамайсанми? Бу тун белгисининг йўқолишидир”, деганлар.

98. Бир киши Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳидан чигал масалаларни сўрай бошлади. Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳ:

“Икки қул ҳақида сўраяпсанми? Сенга фойда бўладиган намоз ва закот ҳақида, шунга ўхшаш нарсалар ҳақида бирор нима сўра. Эҳтилом бўлган кишининг рўзаси ҳақида нима дейсан?”, дебдилар. Ўша киши “Билмайман!” деди. Шунда, имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳ: “Сенга наф бўладиган нарсани тарк этиб, икки қул ҳақида сўраб юрибсанми?”, деганлар.

99. Ҳасан ал-Басрий раҳимаҳуллоҳ: “Эҳтилом бўлган кишининг рўзасида ҳеч нарса йўқ. Унинг рўзаси бузилмайди”, деганлар.

100. Жобир ибн Зайд раҳимаҳуллоҳ: “Эҳтилом бўлган кишининг рўзасида ҳеч нарса йўқ. Аммо, у тезда ғул қилиб олиши керак”, деганлар.

Олимлар ўзларини ва бошқаларни ўтган мусулмонларнинг имомлари наф олган хулқлар каби ахлоқлар билан тарбияласалар, ўзлари ва бошқаларга фойдали бўлади. Шунингдек, Аллоҳ таоло уларга кам илмларида ҳам барака беради ва ҳидоят қилинадиган имомларга айланадилар.

Олимдан билмайдиган нарсаси ҳақида сўралса, “Билмайман!” дейишни уят ҳисобламайди. Бу йўл Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашган саҳобалардан бўлган имомлар ва улардан кейинги имомларнинг йўлидир. Чунки, Аллоҳ азза ва жалладан ваҳий илми орқали тақдим қилинмаган нарсаси ҳақида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сўралганда, “Билмайман!” деб айтардилар. Худди шу тарзда инсондан бирор нарса ҳақида сўралганида, ўзининг билимдонлигини пеш қилмасдан, “Тўғриси Аллоҳ билгувчирок, менинг бу борада билимим йўқ экан”, дейиши лозим. Билмаган нарсасига жавоб беришга тиришмаслиги керак. Ана шу Аллоҳ таолонинг ҳузурида ва ақлли зотларнинг олдида унинг узри бўлади.

عَنْ ابْنِ عُمَرَ، قَالَ: جَاءَ رَجُلٌ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ

وَسَلَّمَ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَيُّ الْبِقَاعِ خَيْرٌ؟ قَالَ: «لا  
 أَدْرِي، أَوْ سَكَتَ»، قَالَ: فَأَيُّ الْبِقَاعِ شَرٌّ؟ قَالَ: «لا  
 أَدْرِي، أَوْ سَكَتَ، فَأَتَاهُ جِبْرِيلُ عَلَيْهِ السَّلَامُ، فَسَأَلَهُ، فَقَالَ:  
 لا أَدْرِي، فَقَالَ: سَلْ رَبَّكَ، قَالَ: مَا أَسْأَلُهُ عَنْ شَيْءٍ،  
 وَانْتَفَضَ الْبِقَاعُ كَمَا يُصْعَقُ مِنْهَا مُحَمَّدٌ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ  
 وَسَلَّمَ، قَالَ: فَلَمَّا صَعِدَ جِبْرِيلُ عَلَيْهِ السَّلَامُ، قَالَ اللَّهُ تَعَالَى:  
 سَأَلْتُ مُحَمَّدٌ عَنْ أَيِّ الْبِقَاعِ خَيْرٌ؟ قُلْتُ: لا أَدْرِي، وَسَأَلْتُكَ  
 عَنْ أَيِّ الْبِقَاعِ شَرٌّ؟ قُلْتُ: لا أَدْرِي، قَالَ: فَخَبَّرَهُ أَنَّ خَيْرَ  
 الْبِقَاعِ الْمَسَاجِدُ، وَشَرُّ الْبِقَاعِ الْأَسْوَاقُ».

101. Ибн Умар разийаллоҳу анҳудан ривоят қи-  
 линган: “Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам  
 хузурларига бир киши келиб, “Ё, Расулulloҳ! Қайси  
 макон яхши (ер юзидаги)?”, деб сўради. Расулulloҳ  
 соллalloҳу алайҳи ва саллам: “Билмайман!” деди-  
 лар ёки сукут қилдилар. Ўша киши яна “Қайси макон  
 ёмон (ер юзидаги)?” деди. Расулulloҳ соллalloҳу  
 алайҳи ва саллам яна: “Билмайман!” дедилар ёки  
 сукут қилдилар.

Жаброил алайҳиссалом Расулulloҳ соллalloҳу  
 алайҳи васалламнинг олдиларига келганди, Расу-  
 лulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам ўша савол

хақида ундан сўрадилар. У ҳам “Билмайман!” деди ва “Раббингиздан сўранг!” деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ундан нимани сўрайман?!”, - деди. Жаброил алайҳиссалом қанот қоқиб, учиб кетдилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ундан хушлари кета ёзди Жаброил алайҳиссалом кўтарилиб кетганда, Аллоҳ таолога: “Муҳаммад алайҳиссалом мендан: “Қайси макон яхши?” ва “Қайси макон ёмон?” лиги ҳақида сўради. Мен “Билмайман!”, деб жавоб бердим. Аллоҳ таоло унга: “Яхши макон бу – масжидлар, ёмон макон бу – бозорлардир”, деб айтиб бор, деди.

102. Ибн Майсара раҳимахуллоҳдан ривоят қилинган:

Бир куни Али ибн Абу Толиб разийаллоҳу анҳу қоринларини силаган ҳолда бизнинг олдимизга келиб, “Житарим куйиб кетса ҳам, билмаган нарсам ҳақида сўралганимда, Аллоҳ билади, мен билмайман!”, дея олдим, деганлар.

103. Абдуллоҳ ибн Масъуд разийаллоҳу анҳу деганлар: “Эй, инсонлар! Сизлардан кимдир илми бўлса, ўша билан гапирсин. Агар билими бўлмаса, “Аллоҳ билади, мен билмайман!” десин. Албатта, киши билмаган нарчасини “Аллоҳ билади” дейиши унинг илмидандир. Ахир, Аллоҳ таоло ҳам сўраганингизга ҳақ олмайман, мен такаллуф қилувчилардан эмасман, деб айтишни буюрган”.

104. Ибн Ҳумар разийаллоҳу анҳудан билмайдиган нарчаси ҳақида сўралганда, “Билмайман!”, деб жавоб берганлар.

105. Бир киши Ибн Умар разийаллоху анхунинг олдиларига келиб, авлоддан мерос ҳақида сўраганда, у “Билмайман!” деди. Ўша киши кетганда, унинг ёнларидан ўтирган кимдир “Ўша кишига нимага маълумот бермадингиз?” деди. Ибн Умар разийаллоху анху: “Йўқ, Аллоҳга қасамки, жавобини билмадим” дедилар.

106. Яхё ибн Саид разийаллоху анхудан ривоят қилинган:

Абдуллоҳ ибн Умар разийаллоху анхунинг неварасидан бир нарса ҳақида сўралди. Унда саволга жавоб йўқ эди. Шунда, мен: “Пешво имомнинг ўғли бўла туриб, сўралаётган нарса ҳақида билмаслигингиз менга оғир ботди”, дедим. У зот эса: “Аллоҳга қасамки, менинг ўзимга илмсиз гапирганим ва ишончсиз одамдан ҳадис айтганимдан кўра, Аллоҳ таоло ҳузурда ва ақлли инсонлар олдида туришим оғирроқ туюлади”, дедилар.

107. Ибн Аббос разийаллоху анху бундай деганлар: “Олим киши “Мен билмайман!” дейиш ўрнига хато гапни айтиши уни ўлимга йўлиқтиради”.

108. Имом Молик раҳимахуллоҳ Ибн Ажлон раҳматуллоҳи алайҳининг бундай деганларини эшитдим, деганлар:

“Олим “Билмайман!” дейиш ўрнига ғафлатда сўз айтиши уни қотилликларга йўлиқтиради”.

109. Абдурроҳман ибн Маҳдий раҳимахуллоҳдан ривоят қилинган:

“Молик ибн Анас раҳматуллоҳи алайҳи ҳузурларига бир киши келиб, ундан бир нарса ҳақида савол



сўради. Савол сўровчига Имом Молик раҳимаҳуллох: “Мен билмайман!”, дедилар. Ўша киши: “Ўзингиз ҳақингизда эслаб кўринг, сиз билмас эканмисиз?”, деди. Имом Молик раҳимаҳуллох унга: “Ҳа, мен ҳақимда одамларга айтиб бера қол! Мен ҳақиқатда билмайман!”, дедилар.

Ким бу ахлоқ билан хулқланса, унинг васфи, биз олдинроқ эслатган таърифлар бўлади.



## ЎРГАНГАН ИЛМИ МАНФААТ БЕРМАГАН ОЛИМНИНГ СИФАТИ

Кимнинг сифатлари ва ахлоқи биз юқорида келтирган – таъна қилинган хулқлар бўлса, уларга эътибор қаратмасдан, эҳтиросга берилибди, ўзини катта олибди ва ўзига жабр қилибди. Илм унинг қалбида ўзига фойдаси бўладиган таъсир қолдирмабди. Унинг қилган кўплаб ишларидаги ахлоқи жафо ва гафлат кимсаларининг ахлоқига айланибди.

Энди, ўша кишининг қўпол хулқларини баён этамиз. Кимдир яхши хулқлардан юз ўгириб, олимлар яхши кўрмаган ёмон хулқларни ўзига раво кўрган бир кишига диққат билан қараса, унинг шундай ёмон хулқда эканини билади ва ўша киши ўзига қарши эканига гувоҳ бўлади. Уни даф қила олмайди, буюк Аллоҳгина унинг сиридан хабардор. Ўша ёмон хулқлар қуйидагилар:

Унинг ҳаётдаги энг кўп ташвиши шариатда қайтарилган нарсалар эвазига бўлса-да, тирикчилик ўтказиш бўлади. Бошига фақирлик тушиб қолишдан қўрқади, берилган нарсаларга қаноат қилмайди. Унга тақдир қилинган нарсаларга тўймаслигини кўрсатади. Қалби ҳамиша дунё билан машғул бўлади. Охиратни баъзи-баъзида эслаб қўяди. Лекин, мол-дунёни ҳирс, шавқ-завқ билан талаб қилади, охиратни эса, сускашлик ва орзу билан излайди. Гуноҳлари олдида орзу-истақлари олдинга чиқади.

Охиратдаги олий мақомларни истайди, лекин, тоат қилиш пайтида, ожизлигини эслайверади. Аллоҳ ҳақида ортиқча яхши гумонда бўлгиси келади,

уни ҳамма гуноҳларини кечиради, деб қаттиқ ишонади, ҳеч нарсага зомин бўлмайман, деб ўйлайди. Аслида, бу билан Аллоҳга яхши гумон қилган бўлмайди.

Ризқи-рўзига келганда эса, ишончи сусайиб, қалби хотиржам бўлмасдан, ризқни излаш билан овора бўлади. Аслида, бу борада Раббисига тўлиқ ишончи бўлиши керак эди. Лекин, у ўлимни эслаганида, тўхтаб хотиржам бўлгандек кўринади, Худодан кўрқишни истайди, лекин Аллоҳнинг ўзи кафил бўлган ризқи учун хавф-хатарлар олдида ҳам тинчимайди. Аслида, Аллоҳ унга насиб қилмаган нарсага ҳар қанча урунса ҳам унга тақдир қилинмайди.

Аллоҳ уни асраган жойда кўрқади, Аллоҳ кўрқитган жойда эса, ўзини омонда, деб ўйлайди. Аллоҳ унга мол-дунё келтирса, шодланади, ҳатто шодлигининг кучлилигидан унга шукр қилишни ҳам унутиб қўяди. Мусибатларга шунчалик хафа бўладики, раббисининг розилигига ҳам қарамайди.

Агар унга бирор машаққат етса, қалби бандаларга ёлворишга ўтади, улардан ёрдам сўрайди. Халқнинг ёрдамидан умиди узилгандан сўнггина Раббисидан ёрдам умид қила бошлайди. Махлуққа яқин бўлишидан умид қилиб, холиқини унутади. Кимки унга бирор яхшилик қиладиган бўлса, қалби ўша кишининг муҳаббати билан тўлиб бўлади. Уни доим эславеради, унга шукрлар қилиб, мақтайди. Бирок, буларнинг барида раббисини унутиб қўяди.

Унга мукофот берилмай қолса, озгина нарсага қалби озор чекади, кўп мукофот берган кишидек, уни мақтамайди. Дунё топиш илинжида фойда кўрган кишигагина яқин юради. Унга мол-дунё етказиб

турган киши гуноҳ иш қилса ҳам, уни мақташдан бўшамайди. Аслида, Аллоҳга осийлик қилганларни инсон ёқтирмаслиги керак эди. У эса, гумонларни ҳам йиғиштириб қўйиб, ёлғон тухматларни ҳақиқат деб ўйлайди.

Ўзига ёрдам берганларни ёқтириб, нуқул ўзга одамларга ёрдам бераверадиганларни ёқтирмай қолади. Раббисидан бошқа ёрдамчи йўқлигини унутиб қўйиб, золимлардан умид қилади. Аллоҳнинг зикри унга оғир туюлади, кўп гапириш эса, унга енгил ўтиб кетаверади.

Агар у кенглик ва шодликда бўлса, ўйин-кулги-га берилади, туғёнга кетади, ўзгаларга қарши чиқа бошлайди. Агар ундан кенглик кетадиган бўлса, қалби лозим ишларни қилишдан ҳам тўхтайтиди, ўзини ҳеч қачон шод бўлмагандек, ҳеч қачон хурсандлик кўрмагандек тутати. Агар касал бўлса, тавба қилиб, надоматини кўрсатади. Гуноҳларга қайтмасликка аҳд қилади. Роҳатга етишганда эса, ўша аҳдларини унутади, яқинда қилган гуноҳларини қайта қилаверади. Агар халқдан қўрқса ва уларнинг дунёсидан умид қилса, Яратганга ёқмайдиган ишни қилиб бўлса ҳам уларни рози қилишга уринади. Агар Аллоҳдан қўрққанида эди, халққа ёқмайдиган ишни қилиб бўлса ҳам Яратганнинг норизо бўлишига рози бўлмасди.

Инсон ўзининг ёмонлигидан Аллоҳдан паноҳ сўраши керак. Унинг шифоси ўз-ўзини тергаб туришидир. Агар раббиси ғазабланадиган ишни кўрса, дарҳол унинг гуноҳлигини ўйлаши керак. Ризқига орғиқча қарамасдан, ҳаммасини раббисига ташлаб қўймоқ керак. Берганига шукр қилмасдан, қаноат-

сиз бўлиб ризқи кетидан чопмасин. Ҳаётда ўзидан кўра, пастдаги одамларга қараб, неъматларга шукр қилсин. Ризқи изидан қувадиган кимса намозларни охирги вақтига олиб бориб ўқийди. Ўқиган намозида ҳам ўзини ғафлат билан тутади. Ўзини Яратган Парвардигори ҳузурида тургандек тутмайди. Агар имоми намозни чўзиб юборса, унга малол келади, имомни ёмонлайди. Агар намозни енгил ўқиб берилса, уни ғанимат билиб, мактаб ҳам кўяди. Агар бошига бирор иш тушмаса ёки касал бўлмаса, дуони оз қилади. Агар дуо қилса, қалби дунё билан машғул бўлади.

Ушбу келтирилган ва шунга ўхшаш ахлоқлар илми манфаат бермаган кишининг қалбини мағлуб қилади. Биз баён этдикки, ўша киши шуҳрат ва даражани яхши кўргани ва ўзида уларга рағбат-хоҳиш борлиги туфайли бу ахлоқлар унга доим ҳамроҳ бўлади. Шунингдек, у подшоҳлар ва давлатманд кишилар мажлисларида бўлишни ва чиройли маскан, қулай улов, оқсуяк хизматкор, майин кийим, шинам ётоқ жой ҳамда тотли таомдан иборат фаровон-тўкин ҳаётларни яхши кўради. У эшигига одамларнинг келишини, гапига қулоқ солинишини ва буйруғига итоат қилинишини яхши кўради. Ваҳоланки, уларнинг ҳеч бирига ўзи қодир бўлмаса-да, ундан сўралган муаммолар жиҳатидангина бунга эришади ва у имконсиз бўлса-да, фақатгина ўз динини сотибгина имкон топади.

Илми ўзига шундай ахлоқларни туғдирган олимга вой бўлсин!

Набий саллоллоҳу алайҳи васаллам шундай олимдан паноҳ сўраганлар ва ундан паноҳ сўрашга

буюрганлар. Шунингдек, бу олим ҳақида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Қиёмат кунида инсонларнинг энг кўп азобланадигани бу – илми ўзига фойда бермаган олимдир”, деганлар.

عن أَبِي هُرَيْرَةَ، قَالَ: كَانَ رَسُولُ صَلَّى عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْأَرْبَعِ، مِنْ عِلْمٍ لَا يَنْفَعُ، وَمِنْ قَلْبٍ لَا يَخْشَعُ، وَمِنْ نَفْسٍ لَا تَشْبَعُ، وَمِنْ دُعَاءٍ لَا يُسْمَعُ».

111. Абу Хурайра разийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Аллоҳим, мени тўрт нарсадан сақла: манфаат бўлмайдиган илмдан, итоат этмайдиган қалбдан, тўқ бўлмаган нафсдан ва қабул бўлмайдиган дуодан”, деб марҳамат қилганлар.

جَابِرُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ الْأَنْصَارِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ يَقُولُ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ عِلْمًا نَافِعًا، وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ عِلْمٍ لَا يَنْفَعُ». قَالَ جَابِرُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: فَأَسْرَعْتُ إِلَى أَهْلِي، فَقُلْتُ لَهُمْ: إِنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَدْعُو بِهَذِهِ الْكَلِمَاتِ، فَادْعُوا بِهِنَّ.

112. Жобир ибн Абдуллоҳ ал-Ансорий разийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: “Аллоҳим, Сендан манфаатли илм сўрайман

ва Сендан манфаат бўлмайдиган илмдан сақлашни сўрайман”, деганини эшитганман. Шундан кейин мен оилам олдига шошилдим ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўша сўзлар билан дуо қилганларини эшитганимни айтиб бердим. “Сизлар ҳам ўша дуони айтиб юринглар!”, деб ўргатдим.

“Ахлоқ ал-уламо” асари тугади. Аллоҳ таолога ҳамдлар бўлсин. Саййидимиз Муҳаммад алайҳиссаломга ва у зотнинг аҳли оилалари ҳамда саҳобаларига саловатлар бўлсин!





## СЎНГСЎЗ

Хотима ўрнида шуни айтиш керакки, Абу Бакр ал-Ожуррийнинг “Ахлоқ ал-уламо” асари ўз соҳасидаги аҳамиятли манбалардан ҳисобланади. Ундаги “Олимларнинг фазилати ва обрўси катта бўлиб, набийларнинг ворислари ва валийларнинг кўз қорасидирлар” деган жумла бир томондан илм ўрганишнинг қандай ҳам шарафли иш эканлигини кўрсатса, иккинчи жиҳатдан эса, олимларнинг даражалари ҳам юксаклигини англатади. Ушбу жумланинг замирида Исломнинг илм-маърифат дини эканлиги ётибди. Шу нуқтаи назардан қараганда илм ўрганишни қадрлаш ва олимларни эъозлаш, ҳурмат қилиш ҳар бир замон ва макон учун зарурият саналиб, у фарз амаллардан бири ҳисобланади. Зотан, Аллоҳ субҳонаху ва таоло Қуръони каримда билганлар билан билмаганлар асло тенг эмаслигини зикр қилган. Шунга қарамасдан бугунги кунда айрим ўзларини билимдон санаганлар ва илмдан беҳабар бўлганларнинг баъзилари ҳам нафақат бугунги кун илм аҳдларига ва шариат илмларига, балки тарихда яшаб ижод этган аллома-ю мужтаҳидларга нохолис муносабатда бўлаётганини кузатиш мумкин. Чунончи, ўтмишда яшаб ўтган уламоларнинг илмлари, тақволари не чоғлик бўлганлигини ҳозирги замоннинг айрим одамлари унчалик тасаввур қила олмайдилар.

Ўзларининг давридаги баъзи олимларга, толиби илмларга қараб қадимгилар ҳам шундай бўлган бўлса керак, деб ўйлайдилар. Шунинг натижа-сида, ўзларининг тез-тез хато ва камчиликлар-га йўл қўйишларига қараб, “Ўтган уламолар ҳам хато ва камчиликлардан холи эмас, “Беайб Парвардигор!” бўлгандан кейин улар ҳам хато қилганлар”, деб, бемалол ва айтиш мумкинки, беа-дабларча таъна-дашном қилаверадилар.

Шунингдек, бугунги кунда ўзларини шариат билимдони ҳисоблаб, сўралган-сўралмаган ма-салалар бўйича “фатво” бериб юбораётганлар ҳам учраб турмоқда. Аслида бу ҳолатларда савол берувчи ва унга жавоб қайтаручи томон учун ҳам муҳим бир масала борки, у ҳам бўлса, ким фатво бериш ҳуқуқига эгалиги ва унинг масъулияти ҳақида кўп ҳам чуқур ўйланмайди. Зеро, ушбу асарда бу борада “Фатво беришга одамларнинг энг журъатлиси илми энг озидир!”, деб хитоб қилиб уқтирилган. Билиб олиш зарурки, бугунги кунда илми даъво қилаётганларнинг ҳаммаси-дан ҳам савол сўраш жоиз эмаски, уларнинг бе-раётган фатволари асоссиз ёки асл манба ҳамда ҳақиқатни бузиб талқин қилиш эканлигига гувоҳ бўлинмоқда.

Ҳолбуки, ўтмишдаги уламоларнинг илмлари бизнинг тасаввурларимиздан кўра анча юқори, уммон мисоли бепоён ва жуда чуқурдир. Улар шу билан бирга жуда ҳам камтар бўлганлар. Ҳар бир киши уларнинг ҳурматини жойига қўйиш лозим.

Ислом динида ҳар бир мўмин-муслмонга ўзи ва ҷамият учун манфаатли илм олишга буюрилган бўлиб, шу ишни бажариб, дунёни обод қилишга интилиш ва унда бузғунчилик қилишликдан ҳамда фитнага сабабчи бўлиб қолишликдан сақланиш керак. Бу борада озгина бўлса-да, тасаввур ҳосил қилишда ушбу рисола кўмакдош бўлди деган умиддамиз.



## МУНДАРИЖА

Сўзбоши.....	3
“Ахлоқ ал-уламо”.....	5
Уламоларнинг дунё ва охиратдаги фазилати борасида ҳадис ва ривоятларда келтирилган далиллар.....	14
Аллоҳ дунё ва охиратга фойдали илм билан манфаатлантирган олимларнинг сифатлари.....	28
Олимнинг илм излаш сифати.....	29
Олим кишининг уламо олдига бориш сифати.....	30
Олимлар билан ўтириш одоби.....	32
Илм билан танилган олимнинг одоби.....	33
Олимнинг мунозарага эҳтиёжи бўлганда, мунозара қилиш одоби.....	38
Илм ва мунозара мажлисларида биров қарши чиққанда ақлли олимнинг сифатлари.....	42
Оқил олимнинг ахлоқи ва унинг бошқалар билан бирга яшаши.....	45
Олимнинг ўзи билан Роббиси азза ва жалла ўртасдаги ахлоқи ва сифатлари.....	47
Аллоҳнинг аҳли илмдан ўрганган илмларини нимага ишлатганлари ҳақида сўраши.....	55
Илми билан алданиб қолган жоҳил олимнинг ахлоқи ...	58
Ўрганган илми манфаат бермаган олимнинг сифати...	82
Сўнгсўз.///.....	88



ҚАЙДЛАР УЧУН

*Диний-маърифий нашр*

**АБУ БАКР АЛ-ОЖУРРИЙ**

## **АХЛОҚ АЛ-УЛАМО**

*(Олимларнинг одоб-ахлоқи)*

Ношир ва муҳаррир:

**О. Муҳаммадиев**

Мусахҳиҳ ва техник муҳаррир:

**О. Джураев**

Саҳифаловчи-дизайнер:

**М. Шукуров**

**Лицензия: АІ № 132. 14 март 2009 й.**

**“Имом Бухорий халқаро маркази” нашриёти.**

**Самарқанд вилояти, Пайариқ тумани,**

**Хўжа Исмоил шаҳарчаси.**

**Тел.: (0366) 240-2019.**

**E-mail: buxoriy\_saboqlari@mail.ru**

**Босишга рухсат этилди: 21.10.2019 й.**

**Бичими: 60x84  $\frac{1}{32}$ . “PT Serif” гарнитурасида**

**офсет босма усулида босилди.**

**5.75 шарт. б.т. 6.0 ҳисоб нашр. таб.**

**Адади 10 000 нусха 23/10-сон буюртма.**

**«RELIABLE PRINT» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.**

**Тошкент ш. Чорсу майдони, 3-А уй.**



